

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 31 (1355) • 2020 йил 4 август

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Квартира ҳада қилишнинг
солиқ оқибатлари

2-бет

«Бола пули»: ЖШДС
бўйича имтиёзлар
қўлланилишига доир

3-бет

Ходим ҳордиғи учун
харажатларга солиқ солиш

5-бет

Тўланган солиқ
«манзили»ни топмади.
Хато қандай тузатилади?

13-бет

Божхоначи: маслаҳатчи,
саховат ва экспортга
қўмакчи

16-бет

✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

САНЭПИДХИЗМАТ ТАДБИРКОРЛАРГА МАХСУС БЕЛГИЛАРНИ БЕРАДИ

Президентнинг 25.07.2020 йилдаги ПФ-6035-сон Фармони билан коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларига «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни бериш амалиёти жорий қилинади. Белги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тадбиркорларга уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан берилади.

Белги 3 хил турдаги - «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга эга ва 12 ой муддатгача амал қилади.

«Яшил» тоифадаги белгига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти Хизмат органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига йўл қўйилмайди, оммавий заҳарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектлари «яшил» тоифадаги белгига эга бўлган объектларга тенглаштирилади.

Белги:

• тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси билан - ихтиёрий ЯИДХП орқали пуллик асосда;

• давлат органлари ташаббуси билан - конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда мажбурий берилади.

Кўрсатилаётган хизматлар учун олинадиган даромад Хизматнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ходимларни рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Хизмат ва Савдо-саноат палатасига манфаатдор идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 15 октябрга қадар белгини бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Ҳужжат Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.07.2020 йилдан қучга кирди.

Эльмира СИРАЗИЕВА.

ВАКТИНЧА ОЛИБ КИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори билан Вактинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3264-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Низом Божхона кодекси ва Президентнинг «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига (24.04.2020 йилдаги ПҚ-4694-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон божхона чегарасидан товарларни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказишда Вактинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни қўллаш тартибини белгилайди.

АТА карнетини* қўллаган ҳолда божхона тўловларидан тўлиқ шартли равишда озод қилинадиган товарларга нисбатан божхона операциялари Конвенциянинг А иловаси «Вактинча олиб кириш ҳужжатлари тўғрисида (АТА карнетлари ва CPD карнетлари)» билан биргаликда қўйидаги иловалардан бирининг шартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

В.1 «Кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ёки шу каби тадбирларда намоён қилиш ёхуд фойдаланиш учун товарлар тўғрисида»;

В.2 «Профессионал асбоб-ускуна тўғрисида»;

В.3 «Тижорат операцияси муносабати билан олиб қирилган контейнерлар, поддонлар, ўрамлар, намуналар ва бошқа товарлар тўғрисида»;

В.5 «Таълим, илмий ёки маданий мақсадларда олиб қирилган товарлар тўғрисида»;

В.6 «Саёҳатчиларнинг шахсий буюмлари ва спорт мақсадларида олиб қирилган юкларга тегишли илова».

Низомда божхона органи АТА карнетини божхона декларацияси ва божхона тўловларини тўлашнинг халқаро миқёсидаги кафолати ҳамда божхона органлари олдидаги мажбуриятнинг бажарилишини кафолатловчи ҳужжат сифатида қабул қилиши мумкин бўлган ҳоллар санаб ўтилган.

АТА карнетини қўллаган ҳолда Ўзбекистонга вактинча олиб қириладиган, шунингдек мамлакатдан вактинча олиб чиқиладиган товарларга нисбатан амалга ошириладиган божхона операцияларининг турлари қайд этилган.

АТА карнети тўғри тўлдирилганлигини текширишда алоҳида эътибор беришни талаб қиладиган бандлар санаб ўтилган.

Божхона органига тақдим этиладиган АТА карнети давлат ёки рус ва инглиз (француз) тилларида тўлдирилган бўлиши лозим.

Низомда қўйидагиларнинг тартиби ҳам белгиланган:

• АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб қирилган товарларни декларациялаш;

• АТА карнетини қўллаган ҳолда Ўзбекистонга вактинча олиб қирилган товарларнинг вактинча олиб кириш муддатини узайтириш;

• илгари АТА карнетидан фойдаланган ҳолда вактинча олиб қирилган товарларни Ўзбекистондан қайта олиб чиқишда (резэкспортда) декларациялаш;

• АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб қирилган товарларни олиб чиқишда божхона операцияларини амалга ошириш ва резэкспорт билан



«вакцинча олиб кириш» божхона режимининг тугатилиши;

• АТА карнетидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонга вактинча олиб қирилган товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланишининг кафолатлари;

• Конвенция қоидалари бузилган тақдирда АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб қирилган товарлар бўйича божхона тўловларини ундириш;

• Ўзбекистондан вактинча олиб чиқиш учун АТА карнетидан фойдаланган ҳолда товарларни декларациялаш;

• илгари АТА карнетини қўллаган ҳолда вактинча олиб қирилган товарларни Ўзбекистонга қайтариб (реимпорт) олиб кириш;

• АТА карнетини қўллаган ҳолда Ўзбекистондан вактинча олиб чиқилган товарларни вактинчалик олиб чиқиш муддатини узайтириш;

• Йўқ қилинган ва йўқолган ҳолатда АТА карнетини алмаштириш.

Ҳужжат Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.10.2020 йилдан қучга қиради.

Баҳодир ҚАЮМОВ.

*АТА карнети – божхона декларациясига тенглаштирилган, товарларни вактинча олиб киришга имкон берадиган ҳамда божхона тўловлари тўланишини кафолатлайдиган халқаро ҳужжат.

КВАРТИРА ҲАДЯ ҚИЛИШНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Корхона балансида қўп қаватли уйдаги яшаш учун мўлжалланган квартира қайд этилган, уни қуйидаги усуллар билан жисмоний шахсга бериш мумкин: ҳадя қилиш, сотиш ёки муассисга дивидендлар ҳисобига бериш. «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ жисмоний шахсга квартирани текинга беришнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатлари ҳақида гапириб берди.

Асосий восита ёки товар

Аввало корхонанинг бухгалтерия ҳисобида квартиралар тўғри акс эттирилганлигини аниқлаб олиш лозим.

Одатда, квартиранинг хизмат муддати 1 йилдан ортиқни ташкил этади, қиймати эса харид қилиш пайтида 50 БҲМдан ошади.

Ундан хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида узок муддат давомида фойдаланиш кўзланаётган бўлса, корхона учун бундай объект асосий восита бў-

лади (5-сон БҲМС 3-б. «а» қичик б., АВ рақами 1299, 20.01.2004 й.). Масалан – ходимлар яшаш учун хизмат турар жойи сифатида, вакиллик мақсадлари, ижарага бериш ва ҳ.к. учун.

Квартира аввалбошдан четта реализация қилиш, ходимга, муассисга ёки бошқа шахсга бериш учун сотиб олинган бўлса, у ҳолда корхона учун товар ҳисобланади (4-сон БҲМС 3-б. 2-хатбоши, 4-б. 6-хатбоши, АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.).

Квартира ҳадя қилинишининг ҳисоби

Жисмоний шахсга квартиранинг текинга берилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

ВАЗИЯТ. Сотиб олинган квартиралар қандай ҳисобга олинади

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига кўра қуйидаги мақсадда 2 та квартира сотиб олинган:

- 1-квартира – кейинчалик уни ҳисобланган дивидендлар ҳисобига муассисга бериш учун;
- 2-квартира – корхона ходими яшаш учун.

Биринчи квартира товар сифатида, иккинчиси эса асосий восита сифатида балансга кирим қилиниши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Квартиранинг баланс қиймати	389 193,6	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»
Жамғарилган амортизация ҳисобдан чиқарилди	21 393	0220-«Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	85 289	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС ҳисобланди	75 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Текинга беришдан кўрилган зарар акс эттирилди	357 511,6	9430-«Бошқа операция харажатлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

1-МИСОЛ. АВ таркибида қайд этилган квартирани ҳадя қилиш ҚҚС ва фойда солигини тўловчи корхонанинг асосий воситалари таркибида қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган квартира мавжуд:

- бошланғич қиймати – 389 193,6 минг сўм;
- жамғарилган амортизация – 21 393 минг сўм;
- қайта баҳолаш сальдоси – 85 289 минг сўм.

Корхона уни корхона ходими бўлмаган муассис, Ўзбекистон резидентига ҳадя қилмоқда. Муассис текинга олинган мол-мулк кўринишидаги даромаддан ЖШДСни ушлаб қолмасликни сўраб ариза берди. Йил якунларида кўра у жами даромади тўғрисида декларация тақдим этади ва мустақил равишда солиқни тўлайди.

Баҳоловчи ташиқлот маълумотларига кўра, ҚҚСни ҳисобга олганда квартиранинг бозор қиймати – 575 000 минг сўм. ҚҚС – 75 000 минг сўм (575 000 / 115 x 15%).

Асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар қуйидаги миқдорни ташкил этади:

– (389 193,6 – 21 393 – 85 289 + 75 000) = – 357 511,6 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Квартира таннархи ҳисобдан чиқарилди	320 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2900-«Товарлар»
Ҳадя шартномаси бўйича квартира берилиди	320 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олиндиған счётлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	48 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олиндиған счётлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Квартира қийматидан ЖШДС ҳисобланди (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)	44 160	4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Текинга беришдан кўрилган зарар акс эттирилди	368 000	9430-«Бошқа операция харажатлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олиндиған счётлар»

2-МИСОЛ. Товарлар таркибида қайд этилган квартирани ҳадя қилиш

ҚҚС ва фойда солигини тўловчи корхона балансида – товарлар таркибида квартира 320 000 минг сўмлик сотиб олиш нархида (сотиб олиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) қайд этилган.

Баҳоловчи ташиқлот маълумотларига кўра, унинг ҚҚСсиз бозор қиймати харид қилиш нархида мувофиқ келади.

ҚҚС 48 000 минг сўмни (320 000 x 15%) ташкил этади.

Корхона ушбу квартирани ўз ходимида ҳадя қилмоқда. Текинга олинган квартира қиймати унинг моддий наф тарзидаги даромади ҳисобланиши боис 44 160 минг сўмлик суммада ((320 000 + 48 000) x 12%) ЖШДС ҳисобланади.

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Сангитхизмат тадбиркорларга махсус белгиларни беради
– Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни қўллаш тартиби тасдиқланди

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– Квартира ҳадя қилишнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатлари
– «Болалар нафақаси»га солиқ солиш бўйича тушунтириш

– Қарз олувчида даромадлар ва харажатлар

– Ходимлар хусусида ёғи ғамхўрлик 2-5-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Ер солиғидан озод этилганда аниқлаштирилган ҳисоб-китоб қандай тузилади 6-бет

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини

моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• Илоравий мейёр-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎзР ДБҚнинг «Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенция» (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарори;

– ЎзР МБ Бошқаруви «Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳалли шарҳлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарори 7-12-бетлар

• СОЛИҚ СОЛИШ

ҚҚС ва фойда солиғи ҳисоб-китобларида даромадлар доим мос келиши керакми

– Ресурс солиқлари бошқа жойга тўланган тақдирда... 13-бет

• БОЖХОНА

– Божхоначилар божхона брокерлари билан учрашди

– Ўрнида ҳуқуқий маспахат ҳам керак

– Қашқадарёда опшкөөк экспорти бошланди

– Саховат ва кўмак тадбирларида божхоначилар фаол 14-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқи ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ВА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Солиқ оқибатлари

❖ **Қўшилган қиймат солиғи.** Товари текинга бериш, бундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар бундан мустасно, товарларни реализация қилиш бўйича айланма деб ҳисобланади ва унга ҚҚС солинади (СК 239-м. 1-қ. 2-б.).

Қуйидаги шартлардан лоақал биттасига риоя этилганда товарларни текинга бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди дея тан олинади:

- даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалга оширилган;
- тадбиркорлик фаолиятини сақлаб қолиш ёки ривожлантириш учун зарур бўлиб, харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асосланган;
- қонун ҳужжатлари қоидаларидан келиб чиққан бўлса (СК 239-м. 3-қ.).

Жисмоний шахсга квартирани текинга бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлашни асослаш мушкул. Шу сабабли уни товарларни реализация қилиш бўйича айланмага киритиш ва квартиранинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда унга ҚҚС солиш зарур.

Бозор қиймати ДСҚ томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланиши лозим (СК 248-м. 3-қ. 2-б.). Бирок ушбу тартиб ханузгача тасдиқланмаганлиги сабабли ризолорлик ташкилотларининг маълумотларидан фойдаланишни ёки баҳоловчи ташкилотни жалб қилишни тавсия этамиз.

Квартира реализация қилинганда қабул қилиш-топшириш далолатномаси, тарафлар томонидан имзоланган кўчмас мулкни учинчи шахсга бериш тўғрисидаги шартнома бўйича у харидорга берилган сана айланмани амалга ошириш санаси бўлади (СК 242-м. 3-қ.).

ҚҚС қорхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади ва унинг харажатларига киритилади.

Фойда солиғи. Фойда солиғи бўйича оқибатлар квартира қорхона балансида қандай ҳисобга олинганига боғлиқ.

Асосий восита сифатида ҳисобга олинган бўлса, квартира ҳада қилинаётганда унинг чиқиб кетишидан фойда ёки зарар юзага келиши мумкин.

АВнинг чиқиб кетишидан олинган фойда жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 6-б.).

ҚҚС суммасини ҳам ҳисобга оладиган асосий воситани реализация қилишдан кўрилган зарар чегирланидиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 27-б.).

Квартира товар сифатида ҳисобга олинган бўлса, унинг қиймати ва ҚҚС суммаси ҳам чегирланидиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 27-б.).

Айланмадан олинган солиқ. Айланмадан олинган солиқ бўйича

оқибатлар ҳам квартира қорхона балансида қандай ҳисобга олинганига боғлиқ.

АВ сифатида ҳисобга олинган бўлса, квартира ҳада қилинаётганда унинг чиқиб кетишидан фойда ёки зарар юзага келиши мумкин. Асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган фойда жами даромад таркибига киритилади (СК 463-м. 1-қ.). АВни реализация қилишдан кўрилган зарар айланмадан олинган солиқни ҳисоб-китоб қилиш чоғида инобатга олинмайди.

Квартира товар сифатида ҳисобга олинган бўлса, уни харид қилиш қиймати (харид қилиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган даромадга киритилади (СК 463-м. 2-қ. 5-хатбоши.).

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи. Текинга олинган квартира қиймати жисмоний шахс учун моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади (СК 376-м. 1-қ. 2-б.).

Жисмоний шахс юридик шахсдан товарларни (хизматларни) олса, бундай товарлар (хизматлар) қиймати харид қилиш нархидан ёки акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда таннархидан келиб чиқиб аниқланади. Ушбу даромадга тўлов манбаи сифатида қорхонада солиқ солинади (СК 376-м. 2 ва 3-қ., 387-м. 1-қ. 2-б.). Солиқ ушлаб қолинмаган бўлса, қорхона солиқ суммаси ва у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт (СК 386-м. 3-қ.).

Қорхона квартирани ўз ходими бўлмаган шахс — Ўзбекистон резидентига ҳада қилган бўлса, жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосланиб солиқни ушлаб қолмасликка ҳақли. Бунда жисмоний шахс жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этиши ва солиқни тўлаши керак (СК 387-м. 2-қ., 393-м.).

Мол-мулк солиғи. Квартиранинг балансида ҳисобдан чиқарилиши мол-мулк солиғи бўйича солиқ базасининг камайишига олиб келади. Шу сабабли бундай тўловлари тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани тақдим этишга ҳақлисиз. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бундай тўловларига солиққа ўзгартиш киритиладиган суммада тенг улушларда тузатиш киритиладиган (СК 413-м. 1-қ., 417-м. 7-қ.).

Ер солиғи. Кўп квартиралар уйлар банд қилган ер участкаларига ер солиғи солиш объекти сифатида қараламайди. Бу яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объекти банд қилган ер участкаларига тааллуқли эмас (СК 426-м. 2-қ. 12-б.).

Бирок ушбу ер участкаларидан ҳужалик фаолиятини юритиш учун фойдаланилса, улар солиқ солиш объекти ҳисобланади (СК 426-м. 3-қ.).



АНИҚЛИК КИРИТИЛДИ

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 28 июлдаги 30-сонида «Бола парвариши бўйича нафақадан ШЖБПХга бадаллар» материали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармони эълон қилинишидан олдинги тартибга асосланган. Ушбу Фармонга биноан киритилган аниқлик муносабати билан 2 ёшгача бўлган бола парвариши бўйича нафақага солиқ солиш ва ундан ШЖБПХга бадаллар тўлаш-тўламаслик масаласида Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги тушунтиришига амал қилиш лозим.



«БОЛАЛАР НАФАҚАСИ»ГА СОЛИҚ СОЛИШ БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШ

ДСҚ buxgalter.uz порталига юборилган қуйидаги саволларга жавобан 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash нафақаси суммасига ЖШДС бўйича имтиёзлар қўлланилиши мумкинлиги тўғрисидаги масалани шарҳлаб берди.

2020 йил апрель-июнь ойлари учун ушбу нафақаларга ЖШДС солиниши лозими? Ушбу даврда нафақаларга ЖШДС солинган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилиш ва тўланган суммаларни бюджетдан олиш мумкинми? ДСҚ Солиқ солиш бўйича маслаҳатлар бошқармаси бошлиғи Азиз ҲОШИМОВнинг ушбу саволларга жавоби қўмитанинг Телеграм-каналида қуйидаги мазмунда эълон қилинган.

— Янги тахрирдаги СКнинг 369-моддасига мувофиқ ижтимоий суғурта бўйича нафақа, хусусан, бола туғилганда тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ЖШДСни ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

Бошқа нафақалар ва тўловлар, айнан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга тўланадиган нафақалар ҳамда 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash нафақаси ҳам қонун ҳужжатларида белгилангани, Солиқ кодексига ЖШДСни ҳисоблашда жами даромадга киритилмайдиган тўловлар сифатида акс эттирилмаганини инобатга олган ҳолда, Президентнинг 20.07.2020 йилдаги «Ко-

ронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайитириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6029-сон Фармони билан аниқлаштирилишича, ушбу нафақаларга ЖШДС солинмайди.

Ушбу тўловлар бўйича илгари (шу жумладан 2020 йил 1 апрелдан) ушлаб қолинган ва ўтказилган ЖШДС суммалари қайта ҳисоб-китоб қилинади ҳамда кейинчалик ушбу нафақаларни олувчига тўлаш учун солиқ агентига қайтарилади.



ҚАРЗ ОЛУВЧИДА ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

«Норма» етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА buxgalter.uz учун қарз олувчида молиявий қарзлар бўйича фойзли даромадларни аниқлаш тартибини тушунтириб берди.

– Тижорат корхонаси – Ўзбекистон солиқ резиденти мисолида молиявий қарз олиш билан боғлиқ вазиятни кўриб чиқамиз. Қулай бўлиши учун қарз олувчида даромадлар ва харажатларни аниқлаш ҳамда уларга солиқ солиш тартибини жадвал шаклида акс эттирамиз:

Кўрсаткич	Фойсиз қарз	Фойзли қарз	
		Қайта молиялаштириш ставкасидан паст	Қайта молиялаштириш ставкасидан ёки ундан юқори
1	2	3	4
Даромад/харажат	Қарз маблағларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромад (истиснолар мавжуд*)	Қарз маблағларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромад (истиснолар мавжуд*). Фойзли харажат	Фойзли харажат
Даромад/харажат суммаси қандай аниқланади	Даромад қарз олинган санадаги қайта молиялаштириш ставкаси бўйича аниқланади	Даромад қарз олинган санадаги қайта молиялаштириш ставкаси билан шартнома бўйича ставка ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади. Харажат шартномада назарда тутилган ставка бўйича аниқланади	Харажат шартномада назарда тутилган ставка бўйича аниқланади
Фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ	Даромад қарз олувчининг жами даромадига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 10-б., 299-м. 4-қ.). Унга қуйидаги солиқлар солинади: • фойда солиғи – корхонада қўлланиладиган ставкада (СК 337-м.); • айланмадан олинадиган солиқ – асосий фаолият тури ставкасида. Фаолият юритилмаса – 4%лик ставкада (СК 468-м. 4-қ.)	Даромадга фойсиз қарзда (2-устун) бўлгани сингари солиқ солинади. Фойзли харажат айрим истиснолар билан фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегирилладиган харажат ҳисобланади**. Бюджет, нотижорат ташкилотлари, норезидентлар ва жисмоний шахсларга фойзаларни тўлаш чоғида қарз олувчи белгиланган ставкаларда солиқ ушлаб қолади***	Фойзли харажат айрим истиснолар билан фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегириллади**. Бюджет, нотижорат ташкилотлари, норезидентлар, жисмоний шахсларга фойзаларни тўлаш чоғида қарз олувчи белгиланган ставкаларда солиқ ушлаб қолади***
Корхонанинг солиқ ҳисоботида акс эттириш	Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобда – 1-илованинг 070-сатрида. Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобда – 1-илованинг 0304-сатрида	Даромад солиқ ҳисоботида фойсиз қарзда (2-устун) бўлгани сингари акс эттирилади. Фойзли харажат ҳисоботида 4-устунда бўлгани сингари акс эттирилади	Фойзли харажат Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобда – 2-илованинг 050 ва 0114-сатрларида акс эттирилади. Бюджет, нотижорат ташкилотлари, норезидентлар ва жисмоний шахсларга фойзаларни тўлаш чоғида алоҳида Ҳисоб-китоб тақдим этилади****
Солиқ тўлаш	Фойда солиғини/айланмадан олинадиган солиқни тўлаш муддатиди	Даромад солиғи фойда солиғини / айланмадан олинадиган солиқни тўлаш муддатиди тўланади. Фойзаларни тўлаш чоғида солиқ тўлаш 4-устунда келтирилган тартибга айлани ўхшаш	Бюджет, нотижорат ташкилотлари, жисмоний шахсларга фойзаларни тўлаш чоғида фойзалар тўланган санадан кечиктирмай солиқ тўланади (СК 345-м. 6-қ.). Норезидентларга фойзаларни тўлаш чоғида фойзалар тўланган кундан кейинги кундан кечиктирмай солиқ тўланади (СК 355-м. 2-қ.)
Фойзаларнинг бухгалтерия ҳисоби	Даромад ҳисобда акс эттирилмайди	Даромад ҳисобда акс эттирилмайди. Фойзли харажат ҳисоби 4-устунда келтирилган тартибда	Фойзаларни ҳисоблаш: • Дт 9610 – Кт 6920 Солиқни ушлаб қолиш (айрим ҳолларда***): • Дт 6920 – Кт 6410 Фойзаларни тўлаш: • Дт 6920 – Кт 5110
Молиявий ҳисоботда акс эттириш	Даромад молиявий ҳисоботда акс эттирилмайди	Даромад молиявий ҳисоботда акс эттирилмайди. Фойзли харажат ҳисоботида 4-устунда келтирилган тартибда акс эттирилади	Фойзли харажат қуйидагича акс эттирилади: • Бухгалтерия балансида – фойзалар бўйича мажбурият мавжуд бўлганда – 760-сатрда; • Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда – 180 сатрда



* Қарз олувчи корхона қандай ҳолларда даромадни аниқлаши керак эмас

Фойсиз ёки қайта молиялаштириш ставкасидан паст ставкада фойзаларни тўлаш шarti билан қарз олинганда қарз маблағларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги даромадни аниқлаш тартиби қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

• банкларо операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

• Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан, шунингдек Ўзбекистон норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга (ссудаларга);

• солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳидаги битта иштирокчи томонидан худди шу гуруҳдаги бошқа иштирокчига бериладиган қарзларга (СК 299-м. 5-қ.).

** Фойзалар бўйича харажат қандай ҳолларда фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегирилмайдиган харажат бўлади

Қуйидаги фойзалар чегирилмайдиган харажат бўлиши мумкин:

• шартномада назарда тутилган ставкалардан юқори бўлган муддати ўтган ва кечиктирилган қарзлар бўйича (СК 317-м. 35-б.);

• назорат қилинадиган қарзлар бўйича чегирилладиган харажатлар деб тан олинадиган суммалардан ортик ҳисобланган фойзалар (СК 310-м., 317-м. 26-б.).



Квалификацияланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича фойзалар унинг қийматида киритилади (капиталлаштирилади) (24-сон БҲМС 10-б, АВ рақами 1996, 18.08.2009 й.). Квалификацияланган актив – белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлаш алатта салмоқли вақтни талаб қиладиган актив (24-сон БҲМС 3-б.).


*** Қарз олувчи корхона фойзли даромаддан солиқ ушлаб қолаётганда қандай солиқ ставкаларини қўллайди

Қарз олувчи корхона қуйидагиларга фойзаларни тўлаш чоғида солиқ ушлаб қолади:

• нотижорат ва бюджет ташкилотларига – 15%лик ставкада (СК 337-м. 1-қ. 12-б.);
• жисмоний шахслар – Ўзбекистон резидентларига – 5%лик ставкада (СК 381-м. 2-қ.);
Ўзбекистон норезидентларига (юридик ва жисмоний шахсларга) –

халқаро шартномаларни ҳисобга олган ҳолда 10%лик ставкада (СК 353-м. 1-б., 382-м. 1-б.).

Қарз олувчи корхона бошқа хўжалик юритувчи субъектларга фойзаларни солиқни ушлаб қолмасдан тўлиқ суммада тўлайди. Қарз берувчи фойзалардан солиқни мустақил равишда ушлаб қолади.



**** Солиқ агенти сифатида фойзалардан солиқ ушлаб қоладиган қарз олувчи корхона қандай солиқ ҳисоботини тақдим этади

Нотижорат ва бюджет ташкилотлари, норезидентлар ва жисмоний шахсларга фойзаларни тўлайдиган қарз олувчи корхона Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивидендлар ва фойзалар кўринишида тўланадиган даро-

мад солиғи ҳисоб-китобини тақдим этади (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.).

Ҳисоб-китоб фойзалар ҳисобланган (тўланган) ойдан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

Фойзсиз қарзлар бўйича имтиёзни қўллаш ҳақида

2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойзсиз қарз олинганда қайта молиялаштириш ставкаси асосида аниқланадиган даромад фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқни ҳисоблаб чиқа-

риш чоғида қарз олувчининг жами даромади таркибига киритилмайди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон 15-б. 8-хатбоши; МВнинг 16.04.2020 й. 06/04-01-03-32/1107-сон хати 9-б.).

МИСОЛ. Қарз олиш ва фойзли харажатни аниқлаш

Корхона 2020 йил 15 июнда йиллик 18%лик ставкада фойзаларни тўлаш шарти билан нотижорат ташкилотидан 10 млн сўм миқдорида қарз олди. Қарз муддати – 7 ой.

Фойзалар қарз берилган кундан – 15 июндан бошлаб ҳисобланади. Июнда 16 кун учун (15 июндан 30 июнгача) фойзаларни ҳисоблаймиз.

Июнь ойи учун фойзли харажат:

$10\,000\,000 \times 18\% / 365 \times 16 \text{ кун} = 78\,904,11 \text{ сўм.}$

Қарз берувчи нотижорат ташкилоти бўлгани сабабли қарз олувчи корхона фойзалардан солиқни 15%лик ставкада ушлаб қолади ва фойзалар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга ўтказилади:

$78\,904,11 \times 15\% = 11\,835,62 \text{ сўм.}$

Нотижорат ташкилотига қўйидаги сумма ўтказилади:

$78\,904,11 - 11\,835,62 = 67\,068,49 \text{ сўм.}$

Июль ойи учун фойзли харажат:

$10\,000\,000 \times 18\% / 365 \times 31 \text{ кун} = 152\,876,71 \text{ сўм.}$

Солиқ: $152\,876,71 \times 15\% = 22\,931,51 \text{ сўм.}$

Нотижорат ташкилотига қўйидаги сумма ўтказилади:

$152\,876,71 - 22\,931,51 = 129\,945,2 \text{ сўм.}$

Кейинги ойлар учун харажат худди шу тартибда аниқланади.

Қарз олувчи корхона ҳисобланган фойзаларни Фойда солиғи ёки айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китобида (3, 9-иловалар, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) акс эттиради:

июнь ойи учун – 1 ярим йиллик учун ҳисоботда;

июль ойи учун – 9 ой учун ҳисоботда ва ҳ.к.

Бундан ташқари, корхона ҳар ойда Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивидендлар ва фойзалар кўринишида тўланадиган даромад солиғи ҳисоб-китобини тақдим этади, унда ҳисобланган ва тўланган фойзаларни, шунингдек ушлаб қолинган солиқни акс эттиради.

ХОДИМЛАР ХУСУСИДА ЁЗГИ ҒАМХЎРЛИК

Ёз – хордиқ чиқаришнинг айна палласи. Киши шаҳар ташқарисида тоза ҳаводан завқ олиш, саломатлигини тиклаш, сув ҳавзасида сузиш ёки спорт залида шугулланишни хоҳлайди. Кўп корхоналар ўз ходимларига ғамхўрлик қилган ҳолда бундай харажатларни ўз зиммасига олади. Уларга солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатларини «Norma» эксперти Миржалол МИРФАЁЗОВ тушунтирди.

ЖШДС ва ижтимоий солиқ

Ходимларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришга ҳақ тўлаш билан боғлиқ корхонанинг харажатлари – бу уларнинг моддий наф тарзидаги даромадларидир (СК 376-м. 1-қ.). Уларга ЖШДС солинади ва ижтимоий солиқ солинайди, сабаби меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга кирмайди (СК 387-м. 1-қ., 403-м. 1-қ.).

Сиз корхона ходими ҳисобланмайдиган шахс фойдасига хизматга ҳақ тўласангиз, унинг ёзма аризасига асосан ЖШДС ушлаб қолмасликка ҳақлисиз. Бу ҳолда даромад олувчи ДСИга тақдим этилган декларация натижала-

рига биноан солиқ тўлайди (СК 387-м. 2-қ.).

Қуйидагилар учун йўлланмалар (бундан туристик йўлланмалар мустасно) қийматида ЖШДС солинайди (СК 378-м. 2-б.):

ногиронлиги бўлган шахсларга – Ўзбекистон ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига;

ходимларининг 16 ёшгача болаларига (ўқийдиганларга - 18 ёшгача) - Ўзбекистон ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига.

Қўшилган қиймат солиғи

Хизматларнинг қийматида ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК 267-м. 1-қ. 7-б.) ва жисмоний шахснинг даромадлари таркибига қиради (СК 376-м. 3-қ.).

Бироқ, тўлов учун сўт ҚҚСсиз бўлади, сабаби санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш хизматлари, шунинг-

дек жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг хизматлари ушбу солиқдан озод этилган (СК 243-м. 1-қ. 14-б.).

Жисмоний шахсларга бундай хизматлар текин тўлаб берилганда ҳам корхонада ҚҚС юзага келмайди (СК 248-м. 13-қ.).

Фойда солиғи

Жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари фойда солиғи

ҳисоб-китобида қўйилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 3-б.).

1-ВАЗИЯТ. Ходим учун сузиш сув ҳавзасига абонемент қийматини тўлаш

Корхона ходим учун сузиш сув ҳавзасига 100 минг сўм миқдорида абонемент қийматини тўлайди.

Бу – ходим томонидан олинган моддий наф тарзидаги даромад, шу боис унга ЖШДС солинади.

Абонемент қиймати – бу ходимнинг «соф» даромади эканлиги боис, ЖШДС:

$100 / (100 - 12) \times 12 = 13,6 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$

$113,6 (100 + 13,6) \text{ минг сўм миқдоридаги сумма қуйидагича акс эттирилади:}$

• ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида (4-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.):

– 6-илова «Ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулкӣ (дивиденд ва фойзалардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида маълумот»да;

– Ҳисоб-китобнинг 012-сатрида.

• Фойда солиғи ҳисоб-китобида (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.):

– 2-илованинг 0118-сатрида 3 ва 4-графада.

ЖШДС ходимнинг бошқа даромадларидан ушлаб қолинади.

2-ВАЗИЯТ. Корхонада ишламайдиган жисмоний шахс учун санаторий йўлланмаси қийматини тўлаш

Корхонада ишламайдиган жисмоний шахс учун корхона 2 500 минг сўм миқдорида санаторий йўлланмаси қийматини тўлайди. Бухгалтерия ундан ЖШДСни ушлаб қолмаслик тўғрисида ариза олади.

Корхона йўлланма қийматидан ЖШДС ушлаб қолмаслиги керак, сабаби даромад олувчи солиқни йил якунлари бўйича декларация тақдим этган ҳолда мустақил равишда тўлайди.

2 500 минг сўм миқдоридаги сумма қуйидагича акс эттирилади:

• ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида:

– 6-иловада. Бунда солиқ суммаси 7-графада 0 га тенг;

• Фойда солиғи ҳисоб-китобида:

– 2-илованинг 0118-сатрида 3 ва 4-графада.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»



электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Митробол тумани, Таллимаржон кўчи, 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЕР СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛГАНДА АНИҚЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ

Президентнинг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон) билан тадбиркорлик субъектлари муайян тоифалари учун ер солиғи бўйича имтиёз муддати узайтирилди. Ушбу имтиёзни қандай қўллашни ДСҚнинг бош давлат солиқ инспектори Баҳромжон МАДАЗИМОВ тушунтиради.

- Президентнинг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон Фармонида мувофиқ ер солиғини тўлашдан озод этиш:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташини, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга тақдим этилган.

Энди улар учун имтиёзнинг амал қилиш муддати жорий йилнинг якунига қадар узайтирилди. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали аниқлаштирилган Ер солиғи ҳисоб-китоби (8-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) тақдим этиш зарур.

Айланмадан олинadиган солиқ тўловчиларда

2020 йил учун ҳисобланган жами солиқ суммаси (Ҳисоб-китобнинг 040-сатри) 4 та чоракка бўлиниб, 0401-0404-сатрларга тенг тақсимланган ҳолда ёзилган. Мазкур сатрлар солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади.

Йиллик солиқ суммаси 12 га бўлиниб, бир ой учун ҳисобланган солиқ суммаси аниқлаб олинади.



МИСОЛ. Айланмадан олинadиган солиқ тўловчиларда ер солиғи бўйича имтиёзни акс эттириши
Корхона 2020 йил учун 1 978 110,83 сўм солиқ ҳисоблади. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 164 842,57 сўмга тенг бўлади. Корхона ҳар чорак учун 494 527,71 сўм ҳисоблади. 2020 йил II чорак учун ҳисобланган сумма 164 842,57 сўмга камайтирилиб, 0402-сатрга 329 685,14 сўм ёзилади.

ЖОРИЙ СОЛИҚ ДАВРИНИНГ 1 ЯНВАРИДАГИ ҲОЛАТ БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЕРЛАР УЧУН ТЎЛАНADИГАН ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИ (Айланмадан солиқ тўловчилар учун)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Майдони	Сумма
Ер участкасининг умумий майдони, мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 3-устуни	010	га	0,11	х
Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 4-устуни	020	га	0,00	х

Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобининг 010-040 сатрлари ҳисобот шакллари-нинг 1-илowаси (солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида маълумот) ва 2-илowасини (солиқ солинмайдиган ерлар) тўлдириш орқали автоматик шаклланади.

Ҳисоб-китобнинг 040-сатри йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммасини акс эттиради.

ПФ-6029-сон Фармонга асосан имтиёз 7 ойга - жорий йилнинг 1 июнидан 31 декабрга тақдим этилган.

Қўлланилиши лозим бўлган имтиёзнинг жами суммаси солиқ ҳисоб-китобда алоҳида кўрсатилмайди.

Айланмадан олинadиган солиқни тўлайдиган ва ушбу солиқни тўламайдиган корхоналар солиқ ҳисоботида имтиёз берилган давр учун ер солиғининг камайтирилган суммасини турлича акс эттиради.

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Майдони	Сумма
Солиқ базаси мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 5-устуни	030	га	0,11	х
Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 7-устуни	040	сўм		1 978 110,83
Шу жумладан	х	х	х	х
I чорак учун - 10 январга қадар	0401	сўм	х	494 527,71
II чорак учун - 10 апрелга қадар	0402	сўм	х	329 685,14
III чорак учун - 10 июлга қадар	0403	сўм	х	0,00
IV чорак учун - 10 октябрга қадар	0404	сўм	х	0,00

Айланмадан олинadиган солиқ тўловчи бўлмаганларда

2020 йил учун ҳисобланган жами солиқ суммаси (Ҳисоб-китобнинг 040-сатри) 12 га бўлинади. Натижа 0401- 0412-сатрларга тенг тақсимланган ҳолда ёзилади. Мазкур сатрлар солиқ

тўловчи томонидан тўлдирилади.

Имтиёзни қўллаш учун 0406-0412-сатрларига «0» ёзиш орқали июнь-декабрь ойлари учун ҳисобланган солиқ суммаси камайтирилади.

МИСОЛ. Айланмадан олинadиган солиқ тўловчи бўлмаганларда ер солиғи бўйича имтиёзни акс эттириши
Корхона 2020 йилда 24 000 000 сўм (ойига 2 000 000 сўмдан) миқдориди ер солиғи ҳисоблади. ПФ-6029-сон Фармонга асосан июнь-декабрь ойлари учун кўрсаткичлар имтиёзни қўллаган ҳолда тўлдирилади.

ЖОРИЙ СОЛИҚ ДАВРИНИНГ 1 ЯНВАРИДАГИ ҲОЛАТ БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЕРЛАР УЧУН ТЎЛАНADИГАН ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИ (Айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар учун)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Майдони	Сумма
Ер участкасининг умумий майдони, мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 3-устуни	010	га	2,00	х
Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 4-устуни	020	га	0,00	х
Солиқ базаси мазкур Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 5-устуни	030	га	2,00	х
Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси	040			24 000 000,0
Мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатр 7-устуни				
Шу жумладан	х	х	х	х
январь ойи учун - 10 январгача	0401	сўм	х	2 000 000,0
февраль ойи учун - 10 февралгача	0402	сўм	х	2 000 000,0
март ойи учун - 10 мартгача	0403	сўм	х	2 000 000,0
апрель ойи учун - 10 апрелгача	0404	сўм	х	2 000 000,0
май ойи учун - 10 майгача	0405	сўм	х	2 000 000,0
июнь ойи учун - 10 июнгача	0406	сўм	х	0,00
июль ойи учун - 10 июлгача	0407	сўм	х	0,00
август ойи учун - 10 августгача	0408	сўм	х	0,00
сентябрь ойи учун - 10 сентябргача	0409	сўм	х	0,00
октябрь ойи учун - 10 октябргача	0410	сўм	х	0,00
ноябрь ойи учун - 10 ноябргача	0411	сўм	х	0,00
декабрь ойи учун - 10 декабргача	0412	сўм	х	0,00

ган тақдирда - ишланган давр учун) олган даромадлари миқдори-нинг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

29. Банк қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг ўртача ой-лик даромадларини аниқлашда қуйида келтирилган тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

иш берувчи томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар;

пенсия тўловлари миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотлар;

фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олин-ган доимий тарздаги даромадлари тўғрисидаги маълумотлар;
жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича декларация;
ипотека кредити таъминотига қўйилган кўчмас мулкнинг ижа-расидан келадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа доимий тарздаги даромадларни тасдиқловчи маълумотлар.

Банк қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ой-лик даромадларини аниқлашда кредит бюрларидан ёки бошқа расмий манбалардан мустакил равишда олинган, қарз олувчининг даромадларини аниқлаш имконини берувчи маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

5-БОБ. ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИШДА БАНК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШ

30. Банкнинг қузатув кенгаши ипотека кредитлари билан бо-глик таваккалчиликларни бошқаришда қуйидагиларни назорат қилиши зарур:

ажратилаётган ипотека кредитлари банкнинг риск-аппетити доирасида, жумладан таваккалчиликларни бошқариш стратегия-си ва бизнес режаси доирасида олиб борилаётганлиги;

банк бошқаруvidан ипотека кредити ажратувчи мутахассис-гача бўладиган ипотека кредит ажратиш жараёни банкнинг ички кредит сиёсати ва тегишли ҳужжатларида акс эттирилганлиги;
қуйидагиларни қамраб олган инфор-мацион тизимга эга эканлиги:

ипотека портфели риск-аппетити доирасида эканлигини акс эттирувчи маълумотлар базаси шаклланганлиги;
даврий равишда ҳисоботларни олиш имконияти мавжудлиги;
ипотека портфелининг таваккалчилик даражасини ва сама-радорлигини баҳолаш учун керакли маълумотларни жамлан-ганлиги.

31. Банк ипотека кредитларини ажратиш билан боғлиқ тавак-калчиликлар юзага келишини олдини олиш мақсадида қуйида-гиларни ҳисобга олиши лозим:

ипотека портфелини диверсификацияси;
ипотека портфелини географик концентрацияси;
қарздорнинг қарз юки даражаси;
кредитнинг гаров қийматига нисбати;
ипотека кредитини сугурталаш ва сугурта ташкилотларига кон-центрация даражаси;
қафилларнинг молиявий ҳолати;
ипотека кредити портфелида максимум қўтилган йўқотишлар, муаммолли кредитлар улуши ва ҳисобдан чиқариладиган ипотека кредитларини даражаси.

32. Фоиз ўзгаришлардан катта зарар қўриш эҳтимолини ка-майтириш мақсадида ўзгарувчан фоиз ставкасига жалб қилинган маблағларни ўзгармас фоиз ставкасида бўлган ипотека кредит-ларига йўналтирилганда фоиз таваккалчилиги банк томонидан ҳедж қилиниши лозим.

33. Банклар ипотека кредити портфелини таҳлил қилишда жалб қилинган манбалар ва ипотека кредитларининг муддатлари ўртасидаги тафовут, ипотека портфелининг даромадчилиги ҳам-да банк регулятив капиталига бўлган таъсири каби омилларни ҳисоб-китоб қилиб боришлари зарур.

6-БОБ. ИПОТЕКА (ГАРОВ) ПРЕДМЕТИНИ БАҲОЛАШ ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

34. Ипотека предмети баҳолаш Ўзбекистон Республика-сининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Гаров қийматини ҳар уч йилда ёки кўчмас мулк бозо-рида жиддий ўзгаришлар юз берганда янгиллаб туриш тавсия этилади.

36. Агар ипотека предмети банкнинг талабларига жавоб берса, ипотека кредитининг индивидуал параметрларини баҳолаш учун банк кредитни гаровга нисбатини белгилайди. Кредитни гаровга нисбатини баҳолаш учун ипотеканинг қиймати банк томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботта мувофиқ (баҳоланган қиймат) ёки мулкни сотиб олиш шартномасида кўрсатилган нархга мувофиқ белгиланиши мумкин.

37. Кредитни гаровга нисбати коэффициентни кредит суммаси-нинг кўчмас мулк гаров қийматининг нисбати орқали ҳисоб-китоб қилинади, бунда:

кредит суммаси - ипотека кредитининг сўндирилмаган қол-диги ва қарздор томонидан ишлатилмаган қисmini ўз ичига олади;

кўчмас мулк гаров қиймати - келажакдаги йўқотишларни ўз ичи-га олган ҳолда бозор нархлари асосида шаклланган ва баҳолаш ташкилоти томонидан баҳоланган ёки қонунчили-гда тақиқланма-ган бошқа тартибда аниқланган кўчмас мулк нархидир.

7-БОБ. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

38. Кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш тар-тиби банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган ипотека кредити шартномаси ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади.

39. Қарз олувчи томонидан ипотека кредити бўйича асо-сий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари белгиланган муддатларда тўланмаганда банк кредит шартномаси ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари асосида кредит суммаси ва фоиз тўловларини ундириш чораларини кўради.

8-БОБ. КРЕДИТ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗДОРЛИК ЮЗАГА КЕЛГАНДА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ АЛТЕРНАТИВ УСУЛЛАРИ

40. Банк зарур бўлганда, максимал узоқ ва қиммат ундирув жараёнига йўл қўймаслик мақсадида, қарз олувчининг юзага келган қийинчиликларини ечишда ёрдам бериш бўйича масла-ҳатлар беради ва унга қўмақлашади.

41. Банклар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ме-зонларини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчи-га муаммоларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар беради.

42. Вужудга келган вазиятларни ҳал қилиш жараёни тамайий-лари ва асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:
қарздорларнинг аниқ қийинчилик даражасини ва мунтазам тўловларни тиклашга тайёрлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш;

қарз олувчилар билан юзага келган қийинчиликларни барта-раф этишда ёрдам бериш ва қарзни тўлашда кечикишларнинг олдини олиш мақсадида фаол алоқа, шунингдек унинг оқибатлари борасида тушултириш бериш;

кредитни қайтаришнинг муқобил механизмларини аниқлаш ва муҳокама қилиш (масалан, кредит шартларини ўзгартириш, ихтиёрий равишда сотиш ёки кейинчалик уй-жойга эгаллик қилиш ҳуқуқига қайта рўйхатдан ўтказиш билан кредит бўйича қарзини бошқа шахсга ўтказиш ва ҳ.к.).

9-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

43. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчили-гда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
- ЎзР ДСҚнинг «Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- «Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ва халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек Қурбон ҳайити байрами муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки бир марталик моддий ёрдам пуллари билан моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларига киритилган оилаларга 2020 йил 15 августга қадар етказилишини таъминласин.

2. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилсин.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 262 470 сўм;
ёшга доир энг кам пенсиялар – ойига 513 350 сўм;
болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – ойига 513 350 сўм;
зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 315 030 сўм этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йилнинг якунига қадар:

14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилаларнинг амалдаги сонини 2 баробарга ошириб, 700 минггача етказишни;

бола 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналарнинг амалдаги сонини 330 мингдан 400 минггача ошириш;

моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг амалдаги сонини 89 мингдан 100 минггача етказишни таъминласин.

4. Тўлаш мuddати 2020 йилнинг июль-сентябрь ойларига тугайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланидиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой мuddатга (бола тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган ҳолатда) давом эттирилсин.

5. Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармасининг ҳудудий бўлимларига 200 миллиард сўм;

тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

6. Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳам-жихатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

7. Мазкур Фармоннинг 1, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, мутасадди вазирлик, идора ва тижорат банкла-

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.07.2020 йилдан қучга кирди.

ри раҳбарлари – моддий ёрдам, пенсия ва нафақа пулларини тўлиқ ва ўз вақтида ажратиш ва жойларга етказиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги – тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига бериладиган бир марталик моддий ёрдам пулларининг манзилли етказилиши бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинулари раҳбарлари – пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларининг шакллантирилиши ҳамда уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда – моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир марталик моддий ёрдамнинг ўз вақтида ва мақсадли амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль
ПФ-6038-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖЖОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ (ИСТАНБУЛ, 1990 ЙИЛ 26 ИЮНЬ) ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3264

Ўзбекистон Республикаси Божжона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4694-сон «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирadi.

Раис
М.АЗИМОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июнь
01-02/12-28-сон.

ЎЗР ДБҚнига 2020 йил 23 июндаги 01-02/12-28-сон қарорига
ИЛОВА

ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ (ИСТАНБУЛ, 1990 ЙИЛ 26 ИЮНЬ) ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божжона кодекси (бундан буён матнда Божжона кодекси деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4694-сон «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божжона чегарасидан товарларни божжона назорати ва божжона расмийлаштирувидан ўтказишда Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги Конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) (бундан буён матнда Конвенция деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

АТА қарнети — божжона декларациясига тенглаштирилган, товарларни идентификациялашга ва вақтинча олиб киришга (транспорт воситаларидан ташқари) имкон берадиган ҳамда божжона тўловларини тўлашнинг халқаро миқёсда қафолатини ўз ичига олган халқаро божжона ҳужжати;

қафолатловчи уюшма — вақтинча олиб кириш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда божжона тўловларини тўлаш бўйича қафолатловчи ваколатли ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинги ўринларда Савдо-саноат палатаси);

божжона операцияси — товарларнинг божжона расмийлаштирувида товарларга нисбатан божжона органларининг мансабдор шахси ва (ёки) ваколатли шахс томонидан амалга ошириладиган ҳаракат;

божжона режими — божжона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг мақомини божжона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуи;

декларациялаш — божжона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва (ёки) божжона назорати остида турган товарлар тўғрисидаги зарур маълумотларни божжона органларига маълум қилиш.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.10.2020 йилдан кучга кирadi.

7. Банк ички кредит сибсатида ипотека кредитларини олиш имкониятига эга бўлган потенциал қарз олувчиларга мувофиқлик мезонларини ишлаб чиқишлари лозим.

2-БОБ. ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

8. Банклар қарз олувчилар билан кредит ажратиш билан боғлиқ муносабатларга киришишда Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишдаги тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низоом (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) талабларига қатъий амал қилишлари зарур.

9. Қарз олувчи кредит олиш учун банкка мурожаат қилганда, банк ипотека кредитининг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот варақасини кредит олиш истагида бўлган фуқароларга бепул тарзда тақдим этади.

10. Банк қарз олувчига ипотека кредити бўйича тўланиши лозим бўлган ойлик тўловлар миқдори ҳамда қарз олувчининг даромадларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тўловларни тўлаш учун унинг имконияти етиши (ёки етмаслиги) ҳақида тушунтириш беради.

11. Кредит шартномаси имзоланмасдан олдин банк қарз олувчига ушбу шартнома лойиҳасини танишиб чиқиш учун ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

12. Банк қарз олувчига кредит шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини кредитни қайтариш жадвалини илова қилган ҳолда тақдим этиши керак.

13. Банк ипотека кредити бўйича тегишли ҳужжатларни қабул қилгандан сўнг ҳужжатларни қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатларини ички кредит сибсатида белгиланиши ва белгиланган муддатлар барча учун ошкор бўлиши зарур.

Агар, кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит шартномасида кўзда тутилган фойз ставкаси ўзгарганда, банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

14. Қарз олувчи банк фойдасига ўз ҳисобидан қўп квартиралли уйдаги квартиранинг тўлиқ қийматини йўқолиш ва шикастланиш ҳафларидан сўғурта қилишда сўғурта ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

3-БОБ. ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШ УЧУН БҲҮРТМАНОМАНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ ВА БҲҮРТМАНОМА БҲҮЙИЧА ҚАРОР ҚАБҮЛ ҚИЛИШ

15. Банклар ипотека кредити олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини мустақил равишда шакллантиради.

16. Кредит олиш учун бҲҮРТМАНОМА ва банкнинг ички кредит сибсатида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар банк ходимлари томонидан қабул қилиб олинади, ушбу ҳужжатлар ўрганилади ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги текширилади.

Ўрганиш ва текшириш натижаларига кўра, банк ушбу бҲҮРТМАНОМА бўйича ижобий ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Зарур ҳолларда, банк ушбу бҲҮРТМАНОМАНИ қайта қўриб чиқиш бўйича қарор қилиши мумкин.

17. Банк томонидан ипотека кредити беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўш кун муддат ичида қарз олувчига ипотека кредити беришнинг рад этилиши сабабларини аниқ ва тушунарли кўрсатган ҳолда қарор нусхасидан кўчирма юборади.

18. Қарз олувчи банк қарорида кўрсатилган камчиликлар бар-тароф этилгандан кейин ипотека кредити ажратиш тўғрисидаги ариза билан банкка қайтадан мурожаат қилишга ҳақлидир.

19. Қарз олувчига ипотека кредити ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, банк томонидан ўш кун муддатда бу ҳақида қарз олувчини аризада кўрсатилган

алоқа боғлаш усулларидан (ёзма, электрон почта, SMS-хабар ва бошқа хабарномалардан) фойдаланган ҳолда хабардор қилади.

20. Банк томонидан ипотека кредитини ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан сўнг:

банк ва қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар) ўртасида кредит шартномаси расмийлаштирилади;

қарз олувчи ўз ҳисобига ва кредит шартномасида белгиланган муддатларда сўғурта ташкилоти билан ипотека объектини таваккалчиликлардан сўғурта қилиш шартномасини тузади. Бунда сўғурта шартномасида сўғурта мукофотини ҳар йили тўланиши назарда тутилиши мумкин;

якка тартибдаги уй-жойни ёки қўп квартиралли уйдаги квартирани сотиб олишда белгиланган тартибда уй-жойнинг олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ипотека шартномаси тузилади. Ипотека шартномаси, шунингдек қонун асосида вужудга келган ипотека белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

21. Ипотека кредити беришда банкнинг ипотека билан таъминланган мажбурияти бўйича ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

Гаров хати қарз олувчи томонидан тузилади ва ипотека давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин, қарз олувчи ҳамда банк иштирокида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан расмийлаштирилади ва банкка берилади.

22. Банкнинг ипотека кредити бериш бўйича мажбурияти қарз олувчи томонидан банкка ипотека предметиани йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан сўғурта қилиш шартномасини ҳамда сўғурта полисини тақдим этгандан, шунингдек ипотека вужудга келгандан кейин пайдо бўлади. Ушбу шарт кредит шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Бунда, якка тартибдаги уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун ажратиладиган ипотека кредитлари учун қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилиши мумкин.

23. Қарз олувчига ажратилган ипотека кредити суммаси (шу жумладан, қарз олувчининг банддаги ҳисобаварағида шакллантирилган маблағлари) банк томонидан шартномага мувофиқ тегишли ҳисобавараққа ўтказиб берилади.

4-БОБ. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ТЎЛОВГА ЛАЁҚАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

24. Қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги таҳлили қарз олувчининг даромадлари ва харажатлари даражасини, уларни мавжуд ва кейинги кредит тўловлари билан таққослаш, кредит тарихини ўрганиши зарур, шунингдек банкнинг скоринг тизими асосида таҳлил амалга оширилиши мумкин.

25. Кредит тарихини таҳлил қилишда кредит бюроси ёки бошқа расмий манбалардан маълумот олиш орқали потенциал қарз олувчининг ушбу банк ёки бошқа тижорат банклари ва кредит ташкилотларидан олган қарз ҳамда жорий кредитлари ва микроқарзлари бўйича тўлов интизомини текширишни ўз ичига олади.

26. Банклар кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилишда қарз олувчининг жорий қарз юқини ҳисоблашлари керак. Бу ҳолда, берилиши кутилаётган кредитни тўлашни кечиктирмасдан ва қарз олувчининг қолган харажатларига (бюджетига) жиддий эъён етказмасдан кредитлашнинг таҳминий шартларини аниқлаш лозим.

27. Қарз юқи кўрсаткичининг чегаравий миқдори банк томонидан қарз олувчининг тўлов қобилиятига таъсир этувчи омилларни (даромад даражаси, қарамогидagi шахсларнинг мавжудлиги ва сони, ҳақиқий яшаш жойи, қарз олувчининг меҳнат фаолияти тури ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

28. Қарз юқи кўрсаткичи ҳисоб-нобелларида қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг ўртача ойлик даромадлари миқдори улар томонидан охириги 12 ой мобайнидаги (12 ойдан кам ишлан-

АҲОЛИГА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛИШИНING ҲАДЛИ ШАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3269

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
М.НУРМУРАТОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 11 июнь
13/8-сон.

ЎзР МБ Бошқарувининг 2020 йил 11 июндаги 13/8-сон қарорига
ИЛОВА

АҲОЛИГА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛИШИНING ҲАДЛИ ШАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тижорат банклари (бундан буён матнда банк деб юритилади) томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартларини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тўлов лаёқати - умумий даромадларни таҳлил қилишдан келиб чиқиб аниқланадиган қарз олувчининг (биргаликда қарз олувчиларнинг) кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилияти;

ўзгармас фоииз ставкаси - кредит бўйича тўловларнинг қисман ёки бутун муддати давомида, кредит суммасидан фойдаланганлик учун бир хилда ҳисобланадиган фоииз ставкаси;

ўзгарувчан фоииз ставкаси - кредит бўйича тўловларнинг қисман ёки бутун муддати давомида, кредит суммасидан фойдаланганлик учун ўзгарувчан омилга боғлаб ҳисобланадиган фоииз ставкаси;

қарз юки кўрсаткичи - қарз олувчининг барча кредитлари ва микроқарзлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдорининг қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг тасдиқланган ўртача ойлик даромади миқдорига бўлган нисбати;

биргаликда қарз олувчи - қарз олувчининг ипотека кредити асосий суммаси ва кредит бўйича фоиизларнинг ҳар ойдаги тўловларидан қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар.

2. Аҳолига ипотека кредити банклар томонидан тўловлилик, қайтаришлик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида куйидаги мақсадларга берилади:

қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилиб яқка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

янги қурилган ёки иккиламчи бозордан яқка тартибдаги уй-жойни ёки қўп квартиралари уйдаги квартирани сотиб олиш; янги қурилган ёки иккиламчи бозордан яқка тартибдаги уй-жойни ёки қўп квартиралари уйни ўзининг мавжуд уй-жойи ёки қўп квартиралари уйига алмаштиришга;

бошқа банклар томонидан ажратилган ипотека кредитларини мижозларга қўлай шартларда қайта молиялаштириш.

3. Ипотека кредити: қурилатган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга;

ипотека кредити ҳисобига сотиб олинadиган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтадиган яқка тартибдаги уй-жойни ёки қўп квартиралари уйдаги квартирани;

қарз олувчининг мулки бўлган ва ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинаётган яқка тартибдаги уй-жойни гаровга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Муомаладан олиб қўйилган ва бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган қўчмас мулк ипотека предмети бўлиши мумкин эмас.

4. Ипотека кредитининг муддати, ҳажми, фоииз ставкаси ва бошқа шартлари банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ банк ва унинг мижози ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

5. Ипотека кредити ажратилишида куйидагиларга риоя этилиши зарур:

ипотека кредити тўловида муаммо юзага келганида мавжуд қарздорлиқни ундириб олиш учун ҳуқуқий жиҳатдан таъминотта банкнинг талаб ҳуқуқи мавжуд бўлиши;

ипотека кредитининг фоиизларини ва асосий қарзларини сўндириш учун қарздор тўловга лаёқатли бўлиши;

таъминотга қабул қилинган қўчмас мулк гарови бозор нархларидан келиб чиқиб баҳоланган бўлиши;

кредитни олишга ва мониторинг қилишга керак бўладиган барча маълумотлар банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ ҳужжатлаштирилган бўлиши зарур.

6. Ипотека кредитини расмийлаштириш банк томонидан ажратилadиган бошқа кредитларга нисбатан узоқ жараённи ташкил этиб, унинг барча босқичлари банкнинг ички кредит сиёсатида кўрсатиб ўтилиши зарур.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

2. АТА карнетини қўллаган ҳолда боғхона тўловларидан тўлиқ шартли равишда овоз қилинадиган товарларга нисбатан боғхона операциялари Конвенциянинг А-илоvasи «Вактинча олиб кириш ҳужжатлари тўғрисида» билан биргаликда Конвенциянинг қўйидаги иловалардан бирининг шартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

В.1-илова «Кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ёки шу каби тадбирларда намойиш қилиш ёхуд фойдаланиш учун товарлар тўғрисида»;

В.2-илова «Профессионал асбоб-ускуна тўғрисида»;

В.3-илова «Тижорат операцияси муносабати билан олиб қилган контейнерлар, поддонлар, ўрамлар, намуналар ва бошқа товарлар тўғрисида»;

В.5-илова «Таълим, илмий ёки маданий мақсадларда олиб қилган товарлар тўғрисида»;

В.6-илова «Саёҳатчиларнинг шахсий буюмлари ва спорт мақсадларида олиб қилган юлқарга тегишли илова».

3. Боғхона органи қўйидаги ҳолларда АТА карнетини боғхона декларацияси ва боғхона тўловларини тўлашнинг халқаро миқёсидаги кафолати ҳамда боғхона органлари олдидаги мажбуриятнинг бажарилишини кафолатловчи ҳужжат сифатида қабул қилиши мумкин:

агар АТА карнетидида кафолатловчи уюшма ва халқаро тизимнинг номи кўрсатилган бўлса;

АТА карнетини эгаси ва уни берган кафолатловчи уюшма томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлдирилган бўлса;

товар олиб чиқилаётган (экспорт қилувчи) мамлакатнинг боғхона органи томонидан расмийлаштирилган бўлса.

4. АТА карнетини қўллаган ҳолда расмийлаштирилмаган товарлар учун вақтинчалик олиб кириш муддати товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда назорат боғхона органи томонидан АТА карнети қабул қилинган кундан бошлаб ушбу товарлар амалда олиб чиқилган кунгача ҳисобланади.

5. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб қилган товарларни қайта олиб чиқиш мажбурияти улар Ўзбекистон Республикаси-дан амалда олиб чиқилганидан ёки Боғхона кодексига мувофиқ «вақтинча олиб кириш» боғхона режими тугалланганидан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

6. Боғхона органи АТА карнетини қабул қилиб олганда АТА карнетининг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

Бунда Конвенцияга аъзо мамлакатларнинг кафолатловчи уюшмалари томонидан берилган АТА карнети муқовасининг устки қисмида АТА карнети қабул қилиниши мумкин бўлган мамлакатлар кўрсатилиши лозим, ушбу мамлакатларнинг кафолатловчи уюшмалари номлари ёки боғхона ҳудудлари АТА карнетининг охириги яшил бети орқа томонининг юқори бандида кўрсатилиши керак.

АТА карнетининг амал қилиш муддати уюшма томонидан берилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

АТА карнетини қўллаган ҳолда товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) муддати АТА карнетидида белгиланган муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб қилган товарлардан фақат АТА карнетидида назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш мумкин, тижорат мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундан Конвенция ва унинг иловаларида бошқа қоида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

7. АТА карнетининг барча варақлари бир хил тўлдирилиши лозим, бириктирилган қоғозлар, стикерлар ва ҳавола (изох) кўринишидаги қўшимчаларга йўл қўйилмайди. Барча варақлардаги маълумотлар муқовадаги маълумотлар билан бир хил бўлиши керак;

Муқова ва унга қўшимча варақлар АТА карнети муқовасининг «А» графиси ҳамда унинг варақларида кўрсатилган эгаси

(АТА карнетини боғхона органларига тақдим этиш орқали товарларни декларациялаётган жисмоний ва (ёки) юридик шахс) томонидан АТА карнети расмийлаштирилишидан олдин имзоланиши лозим, қолган варақлари боғхона органидан ўтишига қараб эгаси (вакили) томонидан тўлдирилади.

8. АТА карнетининг тўғри тўлдирилганлигини текширишда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

АТА карнетининг амал қилиш муддати;

Ўзбекистон Республикасида олиб қириладиган товарларга нисбатан АТА карнетини қўллаш имконияти;

АТА карнети муқовасининг устки қисмида ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги ёзувнинг мавжудлиги ва кафолатловчи уюшмаси АТА карнетининг охириги яшил бети орқа томони юқори бандида кўрсатилиши; товарларнинг умумий рўйхати ва қўшимча варақлари (мавжуд бўлса) тўлдирилганлиги ва расмийлаштирилганлиги;

АТА карнетининг қорешоги ва йиртиб олинадиган варақлари тўлдирилганлиги (уларга қиритилган маълумотлар АТА карнети муқовасининг устки қисми ва орқа томонида кўрсатилган маълумотларга ҳамда транспорт ва товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак);

АТА карнетининг юқори ўнг бурчагида «have been exported» ёки «ont ete exportees» ёзуви бўлган АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» қорешогида олиб чиқилаётган товарларнинг боғхона расмийлаштирувидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиларнинг (тўлдирилиши, олиб чиқаётган мамлакатнинг муҳр ва штамплари) мавжудлиги.

АТА карнетини расмийлаштириш учун барча зарур талаблар бажарилган ҳолларда боғхона органининг мансабдор шахси бундай АТА карнетини қабул қилади.

9. Боғхона органлари АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб қириладиган товарларни боғхона назоратидан ўтказиши.

Боғхона кўриги далолатномаларини тузишда товарларнинг тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатидан фойдаланишга рухсат этилади.

Боғхона органлари томонидан боғхона мақсадлари учун товарларни таснифлаш амалга оширилади.

Бунда АТА карнетидида кўрсатилган товарларни идентификациялаш ва боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқ ва чекловлар ўрнатилмаганлигини аниқлаш имкони мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ягона Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) мувофиқ товар позицияси даражасида 6 белгидан кам бўлмаган товарларни таснифлашга йўл қўйилади. Агар товарларга боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тақиқ ва чекловлар ўрнатилган бўлса, товар коди ТИФ ТНга мувофиқ 10 белги даражасида аниқланади.

10. АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб қириладиган (олиб чиқилаётган) товарлар бўйича боғхона органи томонидан «АТА карнети бўйича товарларни қайд этиш журнали» электрон кўринишда юритилади.

11. Боғхона органлари томонидан АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб киришга рухсат берилган товарларнинг тўланган боғхона тўловлари бутун муддат давомида кафолатланиши учун боғхона органлари томонидан белгиланган бундай товарларни қайтиб олиб чиқиш муддати АТА карнетини берган кафолатловчи уюшма томонидан қўйилган амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

12. Олиб чиқилаётган товарларга нисбатан боғхона операцияларини амалга оширишда «вақтинча олиб чиқиш» боғхона режимида мувофиқ Конвенциянинг амал қилиш доирасига қириладиган товарларнинг боғхона декларацияларини декларантнинг таловига кўра боғхона декларацияси сифатида Савдо-саноат палатаси томонидан

берилган АТА карнетини унга илова қилинган транспорт (ташувчи) ва тижорат ҳужжатлари билан бирга қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

13. Божхона органи томонидан АТА карнети қабул қилиб олинганидан сўнг, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

14. Божхона органига тақдим этиладиган АТА карнети давлат тилида ёки рус тилида ва инглиз (француз) тилида тўлдирилган бўлиши лозим.

2-БОБ. АТА КАРНЕТИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ОЛИБ КИРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ

15. АТА карнетини қўллаган ҳолда товарларни олиб киришда унинг эгаси (вакили) назорат божхона органига товарларни ҳамда АТА карнетини тақдим этади.

16. АТА карнетини расмийлаштиришда назорат божхона органининг мансабдор шахси АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» қорешоқлари ва йиртиб олинadиган ваучерларини мазкур Низом иловасининг 1-бандига мувофиқ тартибда тўлдиради.

17. Қорешоқлар ва йиртиб олинadиган ваучерларни тўлдиришдан сўнг назорат божхона органининг мансабдор шахси:

АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadиган «importation» ваучерини бирлаштирилган варақларидан ажратиб олади;

АТА карнети бўйича вақтинча олиб киришни рўйхатдан ўтказилганини ёки АТА карнети бўйича ётказиб берилган товарларнинг рўйхатдан ўтказилганини, АТА карнетини қўллаган ҳолда товарларга нисбатан божхона операцияларини амалга оширишдаги ҳаракатлар тўғрисидаги зарур маълумотларни электрон маълумотлар базасига киритади;

расмийлаштирилган АТА карнетини унинг эгаси (эгасининг вакили)га қайтаради.

18. АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинadиган ваучерлари АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

19. Назорат божхона органи товарларни «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя этилишини олиб қолинган АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинadиган ваучерлари ҳамда АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида божхона назоратини амалга оширади.

3-БОБ. АТА КАРНЕТИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИЛГАН ТОВАРЛАРНИНГ ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

20. АТА карнети эгасининг (вакилининг) аризасига асосан товарларни вақтинча олиб кириш учун белгиланган муддат АТА карнети эгаси (вакили) жойлашган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли бошқармаси (бундан буён матнда ҳудудий божхона бошқармаси деб юритилади) қарорига асосан АТА карнетининг амал қилиш муддати мобайнида узайтирилади.

Товарларни вақтинча олиб кириш учун белгиланган муддатни узайтиришда ҳудудий божхона бошқармасининг мансабдор шахси томонидан мазкур Низом иловасининг 3-бандига белгиланган тартибда АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadиган «importation» ваучерлари тўлдирилади ва электрон маълумотлар базасида АТА карнетининг маълумотлари бўйича узайтириш муддатини кўрсатган ҳолда тегишли ёзувини киритади.

4-БОБ. ИЛГАРИ АТА КАРНЕТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИЛГАН ТОВАРЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ҚАЙТА ОЛИБ ЧИКИШДА (РЕЭКСПОРТДА) ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ

21. Товарлар реэкспорт қилинаётганда, назорат божхона органига АТА карнетининг эгаси (вакили) илгари олиб кирилган товарлар ва АТА карнетини тақдим этади. Божхона органи мансабдор шахси томонидан АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadиган «reexportation» ваучерлари тўлдирилади.

Товарлар бир ёки бир неча партияларда қайтариб олиб чиқиши мумкин.

АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кирилган товарларни олиб чиқиш (реэкспорт) дастлаб олиб кирилган назорат божхона органи жойлашган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган божхона органи орқали олиб чиқиши мумкин.

22. Илгари АТА карнетидан фойдаланган ҳолда вақтинча олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқишда (реэкспортда) назорат божхона органининг мансабдор шахси томонидан мазкур Низом иловасининг 2-бандига мувофиқ тартибда АТА карнетининг оқ рангли йиртиб олинadиган «reexportation» ваучери тўлдирилади.

23. Божхона органининг мансабдор шахси томонидан АТА карнетининг оқ рангдаги «reexportation» қорешоғи ва йиртиб олинadиган ваучери тўлдирилганидан сўнг:

АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadиган «reexportation» ваучерини бошқа бирлаштирилган АТА карнети варақларидан ажратади;

АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб киришни рўйхатдан ўтказилишининг электрон маълумотлар базасида АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кирилган товарларга нисбатан амалга оширилган божхона операциялари тўғрисида маълумотларни киритади;

расмийлаштирилган АТА карнетини унинг эгасига (вакили) қайтаради.

24. АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadиган «reexportation» ваучерлари АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга божхона органида қолади.

АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга назорат божхона органида қолади

25. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқишда (реэкспорт) декларациялаш Ўзбекистон Республикасида товарларни олиб чиқишни расмийлаштирадиган божхона органи томонидан амалга оширилади.

26. АТА карнети эгасининг (вакили) «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя қилиш мажбурияти, АТА карнетидан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари ва божхона тўловларини тўлаш қафолатини ҳисобга олган ҳолда товарлар Ўзбекистон Республикасида олиб чиқишига қадар ўз кучини сақлаб қолади.

27. Назорат божхона органи АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинган «reexportation» ваучери ҳамда АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя қилиниши юзасидан божхона назоратини амалга оширади.

28. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқиш (реэкспорт) амалга оширилганда, тегишли божхона органи АТА карнетининг оқ рангли йиртиб олинadиган «reexportation» ваучерини расмийлаштиради ва уч кун ичида унинг нусхасини «вақтинча олиб кириш» божхона режимида назорат қилишни яқунлаш учун назорат божхона органига юборади.

ратидаги ҳаракатлар тўғрисида божхона органининг махсус белгилари, хусусан:

божхона кўриги ўтказилганлиги, қўлланилган қийс-лаш воситалари, шу жумладан, қўйилган божхона пломбалари ва уларнинг рақамлари ҳамда бошқа маълумотлар кўрсатилади. Агар божхона органлари томонидан идентификация воситалари қўлланилган бўлса, улар тўғрисидаги маълумот ушбу йиртиб олинadиган ваучерга тегишли товарларнинг умумий рўйхати 7-устунининг тегишли жойида кўрсатилади;

«Н» графасининг пастки қисмига «At» сўзидан сўнг, товарлар «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимида жойлаштирилган божхона органининг коди ва тўлиқ номи кўрсати-либ, божхона операцияларини амалга ошириш ва божхона назорати натижалари тўғрисидаги маълумотлар киритилади («Юк чиқаришга рухсат берилди» штампи, товарлар шартли чиқарилган сана, шунингдек, «signature and stamp» сўзларининг устига шахсий рақамли муҳр ва имзо қўйилади);

корешоқда:

1-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «а» кичик бандидан олиб чиқилаётган товарларнинг тартиб рақамлари қўйилади;

2-графада белгиланган катакда йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «б» кичик бандида кўрсатилган сана қўйилади;

3-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «д» кичик бандидан махсус белгилар қўйилади;

4-графада товарларни шартли чиқаришни амалга оширган божхона органининг коди ва тўлиқ номи кўрсатилади;

5-графада божхона органининг таркибий тузилмаси жойлашган аҳоли пункти номи кўрсатилади;

6-графада «Н» йиртиб олинadиган ваучернинг пастки қис-мидан товарларнинг шартли чиқариш санаси қўйилади;

7-графада тегишли штамп ва шахсий рақамли муҳр, имзо ва йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «д» кичик банди пастки қисмидан бошқа маълумотлар қўйилади.

5. Божхона органининг мансабдор шахси томонидан АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» корешоғи ва йиртиб олинadиган ваучерларининг тўлдирилиши ва рас-мийлаштирилиши:

а) йиртиб олинadиган варақ ваучерда:

«Н» графасининг «а» кичик банди агар товарлар назорат божхона органидан бошқа божхона органида «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимида жойлаштирилган бўлса тўлдирилади. Мазкур кичик бандда АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» 4-графасида божхона органининг коди ва тўлиқ номи қўйилади;

«Н» графанинг «с» кичик банди АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» йиртиб олинadиган ваучери «Н» гра-фаси «д» кичик банди талаблари бўйича тўлдирилади. Агар товарлар бир неча туркумлар билан қайтариб олиб кири-лаётган бўлса, товарларнинг аввалги қайта олиб кирилганлигини (реимпорт) тасдиқловчи маълумотлар ва «вақтинча олиб чи-қиш» божхона режимида жойлаштирилган товарларнинг бошқа божхона режимида жойлаштирилганлиги (бундай товарларга нисбатан божхона операциялари Ўзбекистон Республикаси-нинг Божхона кодексига мувофиқ тартибда амалга оширилади)

тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Бундай ҳолда кичик бандда ушбу товарлар аввал реимпорт қилинган сариқ ран-гдаги «reimportation» йиртиб олинadиган ваучерлар тўғрисида. АТА карнетининг сариқ рангдаги йиртиб олинadиган ваучери-нинг «F» графаси «с» кичик бандида кўрсатилган, товарлар бошқа божхона режимидаги расмийлаштирилган божхона юк декларациялари тўғрисида маълумотлар кўрсатилади;

«Н» графасининг пастки қисмига «At» сўзидан сўнг, то-варларни «қайта олиб кириш» (реимпорт) божхона режимида жойлаштирилган божхона органининг коди ва тўлиқ номи кўрсати-либ, божхона операцияларини амалга ошириш ва божхона назорати натижалари тўғрисидаги маълумотлар киритилади («Юк чиқаришга рухсат берилди» штампи, товарлар чиқа-рилган сана, шунингдек, «signature and stamp» сўзларининг устига шахсий рақамли муҳр ва имзо қўйилади).

б) корешокда:

1-графада товарларнинг умумий рўйхатидан АТА кар-нетининг сариқ рангдаги «exportation» ваучерлари бўйича вақтинча олиб чиқилган ва йиртиб олинadиган варақ ваучер-нинг «F» графаси «а» кичик бандидан қайта олиб киришга (реимпорт) рухсат берилган товарларнинг тартиб рақамлари ушбу ваучерларнинг божхонада рўйхатга олиш рақамлари кўрсатилган ҳолда қўйилади;

2-графада АТА карнетининг «exportation» йиртиб олинadиган варағи «Н» графаси «с» кичик бандидан маълумотлар кўрсатилади;

3-графада АТА карнетини қўллаган ҳолда қайта олиб кири-лаётган (реимпорт) товарларни чиқаришни амалга оширган божхона органининг коди ва тўлиқ номи кўрсатилади;

4-графада божхона органининг таркибий тузилмаси жойлашган аҳоли пунктнинг номи, товарларни расмийлашти-раётган ваколатли мансабдор шахс кўрсатилади;

5-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси пастки қисмидан АТА карнетининг сариқ рангдаги йиртиб олинadиган ваучер расмийлаштирилган ва товарлар чиқариб юборилган сана қўйилади;

6-графада тегишли штамплар, шахсий муҳр, имзо, шу-нингдек, йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси пастки қисмидан бошқа маълумотлар кўрсатилади.

6. Товарларни вақтинча олиб чиқиш учун белгиланган муддатни узайтиришда АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» йиртиб олинadиган ваучерларини тўлдириш ва расмийлаштириш:

а) АТА карнетининг сариқ рангдаги йиртиб олинadиган «exportation» ваучери «Н» графасининг «б» бандига узай-тириш санасини кўрсатган қўлда ёзилган ёзув билан белги қўяди, шунингдек, шахсий муҳр ва имзо қўйилади;

б) АТА карнетининг «exportation» корешоғи 2-графасига вақтинчалик олиб чиқиш муддати узайтирилгани ҳақида қўлда ёзилган ёзув билан ҳамда шахсий муҳр ва имзо қўйилади;

в) АТА карнетлари бўйича вақтинчалик олиб чиқиш ва қайта олиб киришни рўйхатга олиш электрон маълумотлар базасида ушбу АТА карнетининг «вақтинчалик олиб чиқишга рухсат муддати» графасига узайтириш санаси кўрсатилган ҳолда «муддат ...гача узайтирилган» деб қўшимча қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

РЕКЛАМА



«КОРҲОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Галъимаржон кў. 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

а) йиртиб олинadиган ваучерда:

«Н» графасининг «а» кичик бандида йиртиб олинadиган ваучернинг «F» графаси «а» кичик бандидан кўрсатилиб, олиб кирилган товарларнинг божхона назоратидан ўтказилганлиги тўғрисида «текширилди» ёзувини қўлда ёзган ҳолда белги қўйилади;

«Н» графасининг «b» кичик бандида товарларга нисбатан амалга оширилган божхона операцияси кўрсатилади, агар улар амалга оширилса, бироқ олиб чиқилмасдан Ўзбекистон Республикасида бошқа божхона режимига жойлаштирилса (агар ушбу товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган тартибда божхона операцияларини амалга ошириш лозим бўлса). Бундай ҳолда АТА карнетининг оқ рангдаги «reexportation» йиртиб олинadиган ваучерининг «F» графаси «b» кичик бандида кўрсатилган товарларнинг бошқа божхона режимига жойлаштирилган божхона декларациялари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

«Н» графасининг «с» кичик бандида божхона органига тақдим қилиш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш (реэкспорт) имкони йўқ бўлган товарларга нисбатан қўлланилган ҳаракатлар кўрсатилади. Мазкур кичик бандда қуйидаги каби ҳужжатлар (шу жумладан, божхона декларациялари) кўрсатилади:

ушбу товарларнинг аввал қайтариб олиб чиқилиши амалга оширилган АТА карнетининг оқ рангдаги «reexportation» йиртиб олинadиган ваучерлари;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ товарлар бошқа божхона режимларига жойлаштирилган божхона декларациялари;

«Н» графасининг «d» кичик бандида божхона юк декларациясидаги рўйхатга олиш рақами каби шакллантирилadиган, божхонада рўйхатга олиш рақами қўйилади;

«Н» графасининг «e» кичик бандида товарларни қайтариб олиб чиқишни расмийлаштириш ва амалда олиб чиқиш назорат божхона органидан бошқа божхона органи томонидан амалга оширилганда тўлдирилади. Мазкур кичик бандда товарлар олиб чиқилadиган божхона органининг коди ва тўлиқ номи қўйилади;

«Н» графанинг «f» кичик банди АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» йиртиб олинadиган ваучерининг «Н» графаси «d» кичик банди учун белгиланган тартибда тўлдирилади;

«Н» графасининг пастки қисмига «At» сўзидан сўнг, божхона органининг коди, тўлиқ номи қўйилади, божхона операциялари ва божхона назорати натижалари тўғрисидаги маълумот киритилади («Юк чиқаришга рухсат берилди» штамп, товарлар шартли чиқарилган сана, шунингдек, «signature and stamp» сўзларининг устига шахсий муҳр ва имзо қўйилади).

б) корешоқда:

1-графада АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» ваучерининг божхона рўйхат рақамларини кўрсатган ҳолда ушбу ваучерлар бўйича вақтинча олиб кирилган ва йиртиб олинadиган ваучернинг «F» графаси «а» кичик бандидан қайта олиб чиқишга (реэкспорт) рухсат берилган товарларга нисбатан товарларнинг умумий рўйхатидан товарларнинг тартиб рақамлари қўйилади;

2-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «b» кичик бандидан маълумотлар кўрсатилади;

3-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «с» кичик бандидан маълумотлар кўрсатилади;

4-графада йиртиб олинadиган ваучернинг «Н» графаси «d» кичик бандидан божхона органи томонидан рўйхатга олиш рақами қўйилади;

5, 6, 7 ва 8-графалар АТА карнетининг оқ рангдаги

«importation» корешоғининг мос графаларини тўлдириш талабларига мувофиқ тўлдирилади.

3. Товарларни вақтинча олиб кириш учун белгиланган муддатни узайтиришда АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» корешоғи ва йиртиб олинadиган ваучерларини тўлдириш ва расмийлаштириш:

а) АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» йиртиб олинadиган ваучерининг «Н» графаси «b» кичик бандида «вақтинча олиб кириш муддатигача узайтирилди» ёзувини қўлда ёзиб, узайтирилган муддатни кўрсатган ҳолда вақтинча олиб кириш муддатининг узайтирилганлиги тўғрисида белги, шахсий муҳр ва имзо қўйилади;

б) АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» корешоғи 2-бандида «вақтинча олиб кириш муддатигача узайтирилди» ёзувини қўлда ёзиб, узайтирилган муддатни кўрсатган ҳолда вақтинча олиб кириш муддатининг узайтирилганлиги тўғрисида белги, шахсий муҳр ва имзо қўйилади.

4. Божхона органининг мансабдор шахси томонидан АТА карнетининг муқоваси юз томонидаги «Н» графанинг пастки чап катакчаси, сариқ рангдаги «exportation» корешоғи ва йиртиб олинadиган ваучерларнинг тўлдирилиши ва расмийлаштирилиши:

а) АТА карнетининг муқоваси юз томонидаги «Н» графасининг пастки чап катакчасида:

«а» кичик бандида АТА карнетидидаги товарларнинг умумий рўйхати 7 колонкасидаги идентификация воситалари қўйилган товарлар умумий рўйхатидан товарлар ва қўшимча варақлар рақамлари кўрсатилади;

«b» кичик бандида божхона кўриги ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади. Божхона кўриги ўтказилганда «уес/да»нинг рўпарасига тегишли белги қўйилади, «по/нет» чизиб ўчирилади;

«с» кичик бандида божхона юк декларациясидаги рўйхатга олиш рақами каби шакллантирилadиган, божхонада рўйхатга олиш рақами қўйилади;

«d» кичик бандида товарларга нисбатан божхона операциялари амалга ошириладиган божхона органининг коди ва тўлиқ номи;

қуйидаги шаклда шакллантирилadиган АТА карнетининг расмийлаштирув санаси:

GGGG/MM/DD, бунда:

GGGG — йил;

MM — ой;

DD — кун;

шахсий рақамли муҳр ва имзо;

б) АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» корешоғи ва йиртиб олинadиган ваучерда:

йиртиб олинadиган ваучерда:

«Н» графанинг «а» кичик бандида товарларнинг умумий рўйхатидан ва қўшимча варақларнинг «F» графаси «а» кичик бандидан олиб чиқилadиган товарларнинг тартиб рақамлари киритилади;

«Н» графанинг «b» кичик бандида агар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ товарларни олиб чиқишда қайтариб олиб кириш шарт бўлса, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилган ва «реимпорт» божхона режимига жойлаштириладиган товарларнинг қайтариб олиб кириш санаси қўйилади ва у қуйидаги тартибда шакллантирилади:

GGGG/MM/DD, бунда:

GGGG — йил;

MM — ой;

DD — кун;

«Н» графанинг «с» кичик банди тўлдирилмайди;

«Н» графанинг «d» кичик бандида товарларга нисбатан амалга оширилган божхона операциялари ва божхона назо-

АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинган ваучерлари АТА карнетидagi товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

5-БОБ. АТА КАРНЕТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИЛГАН ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

29. Конвенция қоидалари бузилган тақдирда АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кirilган товарлар бўйича Савдо-саноат палатаси божхона тўловлари тўлалишини кафолатлайди.

30. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кirilган товарлар учун назорат божхона органи олдида мазкур Низомнинг 35-бандига мувофиқ ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш бўйича Савдо-саноат палатаси билан биргаликда АТА карнетининг эгаси солидар тартибда жавобгар бўладилар.

Савдо-саноат палатасига тўлаш учун тақдим этилган божхона тўловлари умумий миқдорининг 10 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

31. АТА карнетининг амал қилиш мuddати тугаган санадан бошлаб, бир йиллик мuddат ичида божхона тўловларини тўлаш юзасидан назорат божхона органи томонидан АТА карнети эгаси ва Савдо-саноат палатасига божхона тўловларини тўлаш тўғрисида талабнома (бундан буён матнда талабнома деб юритилади) юборилади.

32. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кirilган товарлар қайта олиб чиқилганлигини (реэспорт) исботлаш учун Савдо-саноат палатаси талабномани олган кундан эътиборан олти ой ичида назорат божхона органига АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб чиқишни (реэспорт) расмийлаштирган божхона органи томонидан белгиланган тартибда тўлдирилган ва муҳри билан тасдиқланган АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинган «геоэкспорт» ваучерлари нусхасини тақдим этади.

Назорат божхона органи АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кirilган товарларнинг қайта олиб чиқилганлиги (реэспорт) далиллари сифатида бошқа ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида «вақтинча олиб кириш» божхона режимининг амал қилиш мuddати тугаган ҳолатларда, назорат божхона органи бу ҳақда Савдо-саноат палатасига хабар беради.

33. Мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати белгиланган мuddатгача божхона органларига тақдим этилмаган тақдирда, АТА карнети эгалари ва Савдо-саноат палатаси мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган миқдорларда божхона тўловларини тўлаши шарт.

34. Агар Савдо-саноат палатаси ёки АТА карнетининг эгаси ёки бошқа манфаъаддор шахс божхона органларига авария ёки енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати туфайли товарларнинг тўлиқ йўқ қилиниши ёки йўқотилиши тўғрисида қониқарли далилларни тақдим этса ва АТА карнетининг амал қилиш мuddати тугаган кундан бошлаб бир йил ўтган бўлса, талабнома Савдо-саноат палатасига тақдим этилмайди.

6-БОБ. КОНВЕНЦИЯ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАН ТАҚДИРДА АТА КАРНЕТИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ОЛИБ КИРИЛГАН ТОВАРЛАР БўЙИЧА БОЖХОНА ТўЛОВЛАРИНИ УНДИРИШ

35. Конвенция талаблари, шунингдек, «вақтинча олиб кириш» божхона режимлари шартлари бузилган тақдирда, божхона тўловларини ҳисоблаш назорат божхона органи томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) АТА карнетини қўллаб расмийлаштирилган товарлар Ўзбекистон Республикасидан АТА карнетида кўрсатилган

мuddатда амалда олиб чиқилмаган бўлса, божхона тўловлари суммаси ушбу товарлар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига жойлаштирилганда тўлалиши лозим бўлган суммалар миқдориди ҳисобланади.

Бунда Божхона кодексининг 45-бобида мувофиқ божхона органи АТА карнетини қабул қилинган кунда амал қиладиган бож тўловлари ставкалари, шунингдек чет эл валютасининг курслари қўлланилади;

б) товарлар вақтинча олиб кириш мuddати якунланганидан сўнг олиб чиқилганда, божхона тўловлари Божхона кодексининг 11-бобида мувофиқ вақтинча олиб кириш мuddати тугаган кундан товарлар амалда олиб чиқилган кунгача бўлган вақт учун ҳисобланади;

в) АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кirilган товарларни мақсадсиз фойдаланган, ammo улар белгиланган мuddатда олиб чиқилган тақдирда, Божхона кодексининг 11-бобида мувофиқ улар бўйича тўлалиши лозим бўлган божхона тўловлари ушбу товарларни уларнинг мақсади бўйича фойдаланиш талабини бузган ҳолда муомалага чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, агар ушбу кун белгиланмаган бўлса АТА карнетининг назорат божхона органи қабул қилган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади.

36. Мазкур Низомнинг 35-бандида кўрсатилган «вақтинча олиб кириш» божхона режимининг шартлари бузилган тақдирда, божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари ундирилади.

37. Конвенция талаблари ва «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартлари бузилган тақдирда божхона органи томонидан АТА карнети эгаси ва Савдо-саноат палатасига бу ҳақда талабнома юборилади.

Талабномада қоидабузарликнинг моҳияти баён қилинади, бузилиш фактини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан, божхона органи томонидан расмийлаштирилган АТА карнетининг назорат варақаси нусхаси, шунингдек, божхона тўловлари ва божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари миқдорини ҳисоби кўрсатилади.

38. Мазкур Низомнинг 35-бандида кўрсатилган «вақтинча олиб кириш» божхона режимининг шартлари бузилган тақдирда, божхона органи АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йиғимларини мажбурий ундириш бўйича зарур чораларни кўради.

Божхона органи томонидан АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йиғимлари қисман ундирилган бўлса, у ҳолда қолган қисмини ундириш бўйича Савдо-саноат палатасига маълум қилади.

Божхона органи томонидан АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йиғимлари тўлиқ ундирилган бўлса, у ҳолда Савдо-саноат палатасига талабнома қўйилмайди ёки юборилган талабнома қайтариб олинади.

39. Савдо-саноат палатаси талабнома олинган кундан бошлаб, олти ой ичида қайта олиб чиқиш тўғрисида далиллар ёки АТА карнетини тегишли равишда расмийлаштирилганлигини тақдим этса, божхона органи далиллар олинган кундан бошлаб 15 кун ичида уларни қўриб чиқади ва талабномани тўлиқ (қисман) қайтариб олиш ёки уларни рад этиш тўғрисида қарорини қабул қилади. Талабномани тўлиқ (қисман) қайтариб олиш ёки уларни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, божхона органи Савдо-саноат палатасини ушбу қарорни қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилади.

40. Савдо-саноат палатасидан талабнома олинган кундан бошлаб олти ой ичида ҳеч қандай тушунтириш олинмаса ёки улар божхона органи томонидан рад этилган бўлса, Савдо-саноат палатаси дарҳол божхона органининг ҳисобрақамига талабномада кўрсатилган божхона расмийлаштируви учун божхона тўловлари ва божхона йиғимлари суммасини ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган миқдорларда ўтказиши шарт.

41. Талабномада кўрсатилган божхона тўловлари ва йиғимлари тўланган кундан бошлаб уч ой мобайнида Савдо-саноат палатаси товарларнинг қайта олиб чиқиши (реэкспорт) тўғрисида далиллар тақдим қилиши мумкин.

Худудий божхона бошқармаси товарларни қайтариб олиб чиқиш (реэкспорт) далиллари олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай уларни қўриб чиқади ва Савдо-саноат палатасига далилларни тўлиқ (қисман) қабул қилинганлиги ёки улар рад этилганлиги (сабабларини кўрсатган ҳолда) ҳақида хабар беради. Товарларнинг олиб чиқилганлиги (реэкспорт) далиллари мавжуд бўлган ва Конвенция талаблари бузилмаган тақдирда, Савдо-саноат палатаси томонидан тўланган суммалар Божхона кодексининг 49-бобига мувофиқ қайтарилади.

42. Тўланиши лозим бўлган суммалар божхона органларининг ҳисобрақамига ўтказилмаса, опти ойлик муддат ўтгандан сўнг божхона органи ушбу суммаларни Савдо-саноат палатасидан ўндириш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

43. «Вақтинча олиб кириш» божхона режими Божхона кодексига мувофиқ бошқа божхона режимига ўзгартиришда ва ушбу божхона режимининг шартлари Ўзбекистон Республикасидан товарларни олиб чиқишни назарда tutмайдиган бўлса, божхона органи АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинadigan «importation» ваучерига белги қўяди ва шу пайтдан бошлаб Савдо-саноат палатаси мажбуриятлардан озод қилинади, шунингдек, АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» қорешогида божхона декларациясининг рақами кўрсатилади.

7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ВАҚТИНЧА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН АТА КАРНЕТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТОВАРЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ

44. Конвенция талаблари татбиқ қилинадиган товарлар «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига жойлаштирилганда, уларни декларациялаш Савдо-саноат палатаси томонидан тақдим этилган АТА карнети декларантининг танловиға кўра товарларга декларация сифатида фойдаланилиши мумкин.

Божхона органлари Божхона кодексига белгиланган тартибда АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб чиқилаётган товарларга нисбатан божхона назоратини амалга оширади.

Божхона кўриги далолатномасини расмийлаштиришда товарларнинг тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатидан фойдаланишга рухсат этилади.

45. АТА карнети божхона органига тақдим этилади ва уни берган кафолатловчи уюшма томонидан тўлдирилган ва расмийлаштирилган тақдирда қабул қилинади.

Бунда, АТА карнетининг муқовасида уни берган кафолатловчи уюшма АТА карнети қабул қилиниши мумкин бўлган мамлакатларни ва ушбу мамлакатлар ёки божхона худудларининг кафолатли бирлашмаларининг номлари кўрсатилиши керак.

Божхона органига АТА карнети тақдим этилганда, унинг эгаси (вакили) томонидан АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» йиртиб олинadigan ваучери тўлдирилади.

46. АТА карнетининг амал қилиш муддати АТА карнетини тақдим этувчи кафолатловчи уюшма томонидан берилган санадан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

АТА карнетидан фойдаланиб ҳаракатланаётган товарларни вақтинча олиб чиқиш муддати Конвенцияда белгиланган талабларга мувофиқ белгиланади.

47. Божхона органи АТА карнетини қабул қилганда унинг тўлдирилганлигини текширади.

Бунда қуйдагиларга алоҳида эътибор берилади:

АТА карнетининг амал қилиш муддати;

товарларнинг умумий рўйхати ва қўшимча варақаларни тегишли равишда тўлдириш ва расмийлаштириш;

сариқ рангдаги АТА карнетининг йиртиб олинadigan ваучерини тўлдириш (унда келтирилган маълумотлар

АТА карнетининг муқоваси олд ва орқа томонларида кўрсатилган ва юк кузатув ва транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак).

Барча талаблар бажарилган тақдирда АТА карнетини расмийлаштириш учун божхона органининг мансабдор шахси бундай АТА карнетини рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилади.

Товарларни чиқаришга қарор қилинганда, АТА карнети вақтинча олиб чиқиш рўйхатидан ўтказишнинг электрон маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда божхона органининг мансабдор шахси мазкур Низом иловасининг 4-бандида кўрсатилган маълумотларни АТА карнети муқовасининг олдинги чап томонининг пастки қисмига АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» қорешоги ва йиртиб олинadigan ваучерига киритади.

48. АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» қорешоги ва йиртиб олинadigan ваучери тўлдирилгандан сўнг, божхона органининг мансабдор шахси:

АТА карнетининг сариқ рангдаги йиртиб олинadigan ваучери бошқа бирлаштирилган варақларидан ажратади; расмийлаштирилган АТА карнетини эгасига (вакилига) қайтаради.

49. АТА карнетининг расмийлаштирилган сариқ рангдаги йиртиб олинadigan ваучерлари АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

50. Назорат божхона органи товарларни «вақтинча олиб чиқиш» божхона режими шартларига риоя этилишини олиб қолган АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинadigan ваучерлари ҳамда АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида божхона назоратини амалга оширади.

51. Божхона органи томонидан АТА карнети қабул қилиб олингандан сўнг унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

8-БОБ. ИЛГАРИ АТА КАРНЕТИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ВАҚТИНЧА ОЛИБ ЧИҚИЛГАН ТОВАРЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАЙТАРИБ (РЕИМПОРТ) ОЛИБ КИРИШ

52. Ўзбекистон Республикасидан илгари вақтинча олиб чиқилган товарларни «реимпорт» божхона режими остида АТА карнетидан фойдаланган ҳолда жойлаштиришда уларнинг божхонада декларацияланиши АТА карнети товарлари учун декларация сифатида қўланиши мумкин.

53. Божхона органи АТА карнетини расмийлаштиришда унинг сариқ рангдаги «reimportation» қорешоги ва йиртиб олинadigan ваучерини мазкур Низом иловасининг 5-бандига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

54. Божхона органлари Божхона кодексига мувофиқ АТА карнети асосида Ўзбекистон Республикасига қайта олиб кириладиган (реимпорт) товарларга нисбатан божхона назорати шаклларида фойдаланади.

Божхона кўриги далолатномаларни тузишда товар тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

55. АТА карнетининг қорешоги ва йиртиб олинadigan ваучери тўлдирилгандан сўнг, божхона органининг мансабдор шахси: йиртиб олинadigan ваучерни «реимпорт» божхона режими остида товарларни жойлаштиришда АТА карнетининг сариқ рангдаги «reimportation» ваучерини бирлаштирилган АТА карнети варақларидан ажратади;

электрон маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритади;

расмийлаштирилган АТА карнетининг эгасига (вакилига) қайтаради.

56. АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинди-ган ваучерлари АТА карнетигади товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

57. Товарлар «реимпорт» божхона режими остига ушбу товарларни «вақтинчалик олиб чиқиш» божхона режими остида жойлаштирилган божхона органидан бошқа божхона органида жойлаштирилган бўлса, ушбу божхона органи АТА карнетининг сариқ рангдаги «reimportation» йиртиб олинди-ган ваучери нусхаси ва товарлар умумий рўйхатининг нусхаси билан уч кун ичида товарларни «вақтинчалик олиб чиқиш» божхона режими остида АТА карнетини қўллаган ҳолда жойлаштирилган божхона органига хабарнома (хат) юборади.

9-БОБ. АТА КАРНЕТИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ВАҚТИНЧА ОЛИБ ЧИҚИЛГАН ТОВАРЛАРНИ ВАҚТИНЧАЛИК ОЛИБ ЧИҚИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

58. АТА карнети эгасининг (вакилининг) аризаси-га асосан товарларни вақтинчалик олиб чиқиш учун

белгиланган муддат АТА карнетининг эгаси (вакили) мурожаат қилган ҳудудий божхона бошқармаси қарори асосан АТА карнетининг амал қилиш муддати мобайнида узайтирилади.

59. Товарларни вақтинча олиб чиқиш учун белгилан-ган муддатни узайтиришда ҳудудий божхона бошқар-масининг мансабдор шахси томонидан мазкур Низом иловасининг 6-бандида белгиланган тартибда АТА кар-нетининг сариқ рангдаги «exportation» қорешоги ва йир-тиб олинди-ган ваучерлари тўлдирилади ва электрон маълумотлар базасига АТА карнетининг маълумотлари бўйича узайтириш муддати кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув киритилади.

10-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

60. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар ҳонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

61. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни
(Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомига
ИЛОВА*

БОЖХОНА ОРГАНИ ТОМОНИДАН АТА КАРНЕТИНИНГ ҚОРЕШОКЛАРИ ВА ЙИРТИБ ОЛИНАДИГАН ВАУЧЕРЛАРИНИ ТўЛДИРИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

1. АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» қорешок ва йиртиб олинди-ган ваучерларини тўлдириш ва расмийлаш-тириш:

а) йиртиб олинди-ган ваучерда:

«Н» графасининг «b» кичик бандида товарларни Ўзбеки-стон Республикасидан қайтариб олиб чиқиш вақтини ҳисобга олмаган ҳолда улардан АТА карнетини қўллаган ҳолда мақ-садли фойдаланиш тугайди-ган муддат санаси қўйилади ва у қўйидагича шакллантирилади:

GGGG/MM/DD, бунда

GGGG — йил;

MM — ой;

DD — кун.

Ушбу сана АТА карнети муқовасининг олд томонидаги кафолатловчи уюшма томонидан қўйилган («G» графанинг «c» кичик банди «Valid until/Valable jusq'au») АТА карнетининг амал қилиш муддатидан кўп бўлиши мумкин эмас;

«Н» графасининг «c» кичик бандида божхона юк декларациясидаги рўйхатга олиш рақами каби шаклланти-риладиган божхона органида рўйхатга олиш рақами қўйилади;

«Н» графасининг «d» кичик бандида товарларга нисба-тан амалга оширилган божхона операциялари тўғрисида назорат божхона органининг алоҳида қуйидаги белгилари қўйилади:

божхона кўриги ўтказилганлиги;

қўлланилган идентификация воситалари, шу жумладан, қўйилган божхона пломбалари, уларнинг рақамлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Агар божхона органи томонидан идентификация воситалари қўлланилган бўлса, ушбу йиртиб олинди-ган ваучерга тегишли бўлган товарларнинг умумий рўйхатининг 7-устунига ушбу товарлар тўғрисида маълумот-лар киритилади;

«Н» графасининг пастки қисмига «At» сўзидан сўн-га назорат божхона органининг тўлиқ номи ва коди қўйила-ди ҳамда декларациялашнинг натижалари тўғрисидаги маълумот киритилади («Юк чиқаришга рухсат берилди» штампи, товарлар чиқарилган сана, шунингдек, «signature and stamp» сўзларининг устига шахсий рақамли муҳр ва имзо қўйилади).

б) қорешокда:

1-графада йиртиб олинди-ган ваучернинг «F» графаси «a» кичик бандидан божхона назорати амалга оширилган товарларнинг тартиб рақамлари қўйилади;

2-графада йиртиб олинди-ган ваучернинг «H» графаси «b» кичик бандида кўрсатилган сана қўйилади;

3-графада йиртиб олинди-ган ваучернинг «H» графаси «c» кичик бандидан божхона органида рўйхатга олиш рақами қўйилади;

4-графада йиртиб олинди-ган ваучернинг «H» графаси «d» кичик бандидан алоҳида белгилар қўйилади;

5-графада назорат божхона органининг тўлиқ номи ва коди қўйилади;

6-графада назорат божхона органининг таркибий тузил-маси жойлашган аҳоли пункти номи кўрсатилади;

7-графада йиртиб олинди-ган ваучернинг «H» графаси қуйи қисмидан йиртиб олинди-ган ваучернинг расмийлаш-тирув санаси қўйилади;

8-графада назорат божхона органининг мансабдор шахси штампи, шахсий муҳри, имзо, шунингдек, йиртиб олинди-ган ваучернинг «H» графаси қуйи қисмидан бошқа маълумотлар қўйилади.

2. АТА карнетининг оқ рангдаги «reexportation» қорешоги ва йиртиб олинди-ган ваучерининг назорат божхона органи-нинг масъул мансабдор шахси томонидан тўлдирилиши ва расмийлаштирилиши:

ҚҚС ВА ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ДОИМ МОС КЕЛИШИ КЕРАКМИ



ҚҚСни ҳисоблашда товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар, фойда солиғини ҳисоблашда эса жами даромад инобатга олинади. Ушбу кўрсаткичлар доим ҳам мос келадими? «Нотта» компанияси эксперти Олег ЦОЙ аниқ мисол ёрдамида ушбу муҳим жиҳатга ойдинлик киритди.

– Корхонанинг 2020 йил I ярмидаги солиқ ҳисоботини солиштириш якунларига кўра солиқ органи ҚҚС ҳисоб-китобидаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар ва Фойда солиғи ҳисоб-китобидаги (1, 2-иловалар, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) жами даромад кўрсаткичларида фарқ борлигини аниқлади.

Бош бухгалтер фарқ юзага келишини ҳисобот даврида асосий воси-

та реализация қилингани билан куйидагича изоҳлади:

- ҚҚС ҳисоб-китобида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаларга АВ объектини қолдиқ қийматидан юқори нархда реализация қилиш қиймати киритилган;

- фойда солиғи бўйича жами даромадга асосий воситани реализация қилишдан даромад киритилган.

МИСОЛ. Асосий воситани реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича ва фойда солиғи бўйича солиқ базаси.

Корхона автомобилни 72 000 минг сўмга реализация қилган, ушбу суммалардан ҚҚС – 9 391,3 минг сўм (72 000 / 115 × 15). Қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

- бошланғич қиймат – 101 575,4 минг сўм;
- жамғарилган амортизация – 40 630,2 минг сўм;
- қайта баҳолаш сальдоси – 7 859,9 минг сўм.

Битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг қиймати ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳисобланади. Бунда битимнинг нархи товарларнинг бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли (СК 248-м. 1, 4-қ.).

Корхона ҚҚС ҳисоб-китобининг 1-«Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар» иловаси 0105-сатрида асосий воситани етказиб бериш қийматини ҚҚСсиз кўрсатган – 62 608,7 минг сўм (72 000 – 9 391,3).

Корхона Фойда солиғи ҳисоб-китоби 1-«Жами даромад» иловаси 050-сатрида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган АВнинг чиқиб кетишидан даромадни кўрсатиши керак (СК 298-м.).

АВни реализация қилишдан молиявий натижа куйидаги формула бўйича аниқланади:

$MH = T - KQ - KQS - CH + KBC$, бунда:

MH – чиқиб кетишдан молиявий натижа;

T – тушум;

KQ – қолдиқ қиймат (бошланғич қиймат айирув жамғарилган амортизация);

KQS – қўшилган қиймат солиғи (тўловчилар учун);

CH – чиқиб кетиш бўйича харажатлар;

KBC – чиқиб кетган АВ бўйича қайта баҳолаш сальдоси (5-сон БҲМС 53-б., АВ рақами 1299, 20.01.2004 й.).

Бизнинг мисолда асосий воситани реализация қилишдан молиявий натижа куйидаги миқдорни ташкил этади:

$72\,000 - (101\,575,4 - 40\,630,2) - 9\,391,3 - 0 + 7\,859,9 = 9\,523,4$ минг сўм.

Мисолдан кўринганидек, асосий воситани реализация қилиш бўйича айланма ва унинг чиқиб кетишидан даромад суммалари турлича бўлиб чиққан.

Бинобарин, ҚҚС ҳисоб-китобида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар ва Фойда солиғи ҳисоб-китобидаги жами даромад кўрсаткичлари доим ҳам бир хил бўлмаслиги мумкин.

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ БОШҚА ЖОЙГА ТЎЛАНГАН ТАҚДИРДА...

Солиқ тўловчиларга фойдали тавсияларни Юнусобод туман ДСИ бош солиқ инспектори Низомиддин СУЛТОНОВ беради.

Қоидага кўра, юридик шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини солиқ солиш объекти жойлашган жойда тўлайдилар (СК 417, 431-моддалари). Бироқ бухгалтер хатога йўл қўйиб, уларни юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойда тўлаган бўлса, нима қилиш керак? Қадамма-қадам йўриқномадан фойдаланинг.

– Дейлик, юридик шахс Мирзо Улугбек туманида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, Яшнобод туманидаги бинони сотиб олган. Бухгалтер хато қилиб, тилга олинган солиқларни ташкилотнинг ўзи рўйхатдан ўтказилган жойга ўтказган.

Сув ресурсларидан ва ер қаъридан (норуда қазилма бойликлари бўйича) фойдаланганлик учун солиқларни тўловчиларда шунга ўхшаш вазият камроқ юзага келади. Улар ҳам Солиқ кодексининг 447 ва 454-моддаларига мувофиқ солиқни ресурслардан (солиқ солиш

объектларидан) фойдаланиш жойида тўлашлари керак.

Хатога йўл қўйишнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин: билмаслик, тажрибасизлик оқибатида, кадастр ҳужжатларининг асл нусхалари ўз вақтида келиб тушмаслиги сабабли ва х.к. Асосийси – хатони имкон қадар тезроқ тузатиш керак. Солиқ тўланиши керак бўлган объект ҳисобга олинган жойда МБ амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 миқдоридан пеня ҳисобланади (СК 110-м. 11-қ.). Тўлаш муддати қанча кечиктирилса, пеня суммаси шунча ортиб бораверади.

Хато қандай тузатилади

1-ҚАДАМ.

Кўчмас мулк объекти жойлашган жойда (бизнинг мисолда – Яшнобод ДСИда) ҳисобга туриш. Бунинг учун:

- Т4 ва Т8 карточкаларини (10.07.2014 йилдаги АВ рақами 2600-сон Низомга 8 ва 9-иловалар) тўлдириб, имзо ва муҳр (мавжуд бўлса) билан тасдиқланг;

- уларни сканерлаб, архивда сақланг ва ташкилотингизни ҳисобга

қўйиш ҳақидаги ёзма мурожаатга қўшиб қўйинг;

- ҳисобга қўйиш ҳақидаги ёзма мурожаатни қўшиб қўйилган карточкаларнинг шакллари билан бирга, уни ЭРИ ёрдамида имзолаб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетидидаги «Солиқ органлари» мурожаат қилиш» хизмати орқали юборинг.

2-ҚАДАМ.

Солиқ тўланадиган жойга тегишли давр учун у бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш, солиқларни ва, ҳисобланган бўлса, пеняни тўланг.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш чоғида юзага келиши мумкин бўлган саволларга жавобларни йиғма жадвалимиз ёрдамида СКдан топасиз:

	Мол-мулк солиғи	Ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
Умумий қондалар, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти	СК 410-411-моддалари	СК 424-426-моддалари	СК 441-442-моддалари	СК 449-450-моддалари
Солиқ базаси, уни аниқлаш тартиби	СК 412-413-моддалари	СК 427-моддаси	СК 443-444-моддалари	СК 451-моддаси
Солиқ ставкалари ва имтиёзлари	СК 414-415-моддалари	СК 428-429-моддалари	СК 445-моддаси	СК 452-моддаси
Солиқ даври	СК 416-моддаси	СК 430-моддаси	СК 446-моддаси	СК 453-моддаси
Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби	СК 417-моддаси	СК 431-432-моддалари	СК 447-448-моддалари	СК 454-моддаси

3-ҚАДАМ.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидидаги «Солиқ органларига мурожаат қилиш» хизмати ёрдамида сиз илгари хатолик билан солиқларни тўлаган ДСИга ёзма мурожаатни юборинг. Ре-

сурс солиқлари бўйича ортқича тўланган суммаларни келгуси тўловлар ҳисобига ўтказишни (мажбур ДСИга қарашли объектлар бўйича) ёки бошқа солиқлар бўйича ҳисобга олишни сўранг.



Карантин даврида давлат бизнесга бирмунча ён босди. Хусусан, 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармонга мувофиқ:

- кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарималар суммаларини ҳисобдан чиқариш кўринишида давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тақдим этилди;


- микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилди (2, 5-бандлар).

БОЖХОНАЧИЛАР БОЖХОНА БРОКЕРЛАРИ

Ўзбекистон божхона брокерлари уюшмасининг (ББУ) ТИФ иштирокчилари ва профессионал ҳамжамият аъзолари бўлмиш фирма раҳбарлари – божхона брокерлари, яъни божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар учун навбатдаги семинари онлайн-форматда бўлиб ўтди. Семинарда ташқи савдо соҳасидаги қонун ҳужжатлари янгиликларининг муҳим жиҳатлари очиб берилди, божхона амалиётининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда Давлат божхона қўмитаси номидан марказий аппарат функционал бўлинмалари ходим ва раҳбарлари – Божхона маъмуриятчилигининг илғор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармасидан Фарход ОЛИМЖОНОВ, Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси бошлиғи Бахтиёр АБДУҒАНИЕВ ва унинг ўринбосари Хусан КАРИМОВ, Таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармасидан Ғайрат НУРЖАВОВ иштирок этди. Семинарда, шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг (ИТСВ) Тариф ва нотариф тартибга солиш чоралари бошқармасининг бошлиғи Наргиза ЗУФАРОВА, ИТСВ бош мутахассиси Анастасия БЕЛОВА қатнашдилар.

Божхона маъмуриятчилиги ислохотлари

Фарход Олимжонов семинар иштирокчиларига мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармоннинг (5.06.2020 йилдаги ПФ-6005-сон) мақсадларини эслатди. Бу мақсадга эришиш учун ҳужжат билан 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.



Концепцияда 2020–2023 йилларда божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Улар қаторида божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш, божхона органларининг фискал функцияларини амалга оширишни такомиллаштириш, ТИФни тариф ва нотариф тартибга солишни соддалаштириш вазифалари ҳам бор. Бу бизнес ва божхона ўртасидаги муносабатларда доимо ечим талаб қиладиган муаммодир.

Фармонда бир қатор янгиликларни босқичма-босқич божхона амалиётига жорий этиш назарда тутилган.

2020 йил 1 августдан темир йўл транспорти ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини ахборот тизимларига интеграциялаш орқали божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида бегараз тарзда тақдим этадилар.

2020 йил 1 сентябрдан чегара божхона постларида «Ягона дарча» божхона ахборот тизими жорий этилади.

2020 йил 1 ноябрдан қуйидагилар режалаштирилган:

- БЮДни расмийлаштириш вақтини хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунгача қисқартириш;
- автомобиль чегара божхона постларида ДБК хавфни бошқариш тизимини жорий этиш;
- товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатларини қисқартириш, божхона назоратининг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш;

- транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчиға реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати тугатилган олдин вақтинчалик олиб кириш муддатини узайтириш ва тегишли йўғимни тўлашни амалга ошириш имкониятини тақдим этиш;

- «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубиятини тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқишли.

Божхона хизмати мутахассиси шунингдек Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши божхона маъмуриятчилигини оптимallasштиришга имкон беришини таъкидлади. Янги самарали усул ва тартиб-таомилларнинг қўлланилиши қуйидагиларни амалга оширишга ёрдам беради:

- юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчасини транзит БЮД билан алмаштирган ҳолда «E-TRANZIT» автоматлаштирилган ахборот тизимини татбиқ этиш;

- хавф даражаси паст бўлган (яшил йўлак) БЮДни автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич амалиётга киритиш;

Маълумот учун. «Экспорт» божхона режими бўйича умумий расмийлаштирилган БЮДлар сонининг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми 1.01.2021 йилгача, 20 фоизи эса 1.01.2022 йилгача автоматик тарзда расмийлаштирилади. 1.01.2022 йилгача «Вақтинча сақлаш» ва «Божхона омбори» божхона режими бўйича умумий расмийлаштирилган БЮДлар сонининг 20 фоиздан кам бўлмаган қисми автоматик режимида расмийлаштирилади.

- божхона тўловлари тўланишини таъминлаш тартибини такомиллаштириш, шу жумладан божхона органларига кафолат ҳужжатларини бера оладиган ташкилотлар (банклар, суғурта компа-

ниялари) рўйхатини белгиллаш (ушбу рўйхатга киритилмаган ташкилотларнинг ҳужжатлари тўлов таъминоти сифатида қабул қилинмайди);

- БЮДни тайёрлаш жараёнида ТИФ иштирокчиларига божхона органлари томонидан тақдим этиладиган хизматларни баҳолаш;

- «ТИФ ТН кодларининг таҳлил базаси» автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш;

- ДБК сайтида «Шахсий кабинет», «Босқичма-босқич ТИФ», «БЮДни тўлдириш бўйича қулай интерфейс («дўстона интерфейс») ва бошқа қўшимча интерактив сервисларни ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари ислохотлар доирасида:

- божхона омбори эгаларига қўшимча ваколатлар берилган ҳолда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилади, оптимал жавобгарлик чоралари белгиланади;



- декларантга БЮДни тўлдиришда товарларга божхона божларини ҳисоблашига таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқбузарликларни ихтиёрий тузатиш ҳуқуқини берувчи тартиб-таомиллар жорий этилади;

- товарлар ва транспорт воситаларини кузатиб бориш божхона тизимларида электрон пломбалар жорий этилади;

- халқаро курьерлик жўнатмалари фақатгина халқаро аэропортларда жойлашган авиа ТИФ божхона постларида рўйхатга олинади;

- товарларни ишлаб чиқарувчилар ва уларни юбуровчиларнинг идентификация воситаларини тан олиш амалиёти жорий этилади;

- товарлар ва транспорт воситаларининг дастлабки декларацияланиши тартиб-таомили яхшиланади;

- божхона иши соҳасида божхона органлари ва ТИФ иштирокчилари ўртасидаги зиддиятли вазиятларни қамайтириш имконини берадиган божхона органларидаги низоларни судгача ҳал этиш тартиби жорий этилади;

- божхона органларига ТИФ иштирокчиси ҳақидаги тегишли ахборотни (ҳисобварақлари, омонатлари (депозитлари), операциялари) банклардан олиш ҳуқуқини тақдим этиш кўриб чиқилади;

- Божхона институтида ТИФ иштирокчилари учун божхона иши бўйича пуллик ўқув курслари, ветеринария тиббиётига оид пуллик хизматлар - Миллий кинология марказида ташкил этилади;

- шартнома асосида jisмоний ва юридик шахсларга божхона экспертизасини ўтказиш ҳамда ТИФ товар номенклатураси бўйича товар кодларини аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатилади;

- асосий ўтказиш пунктларини кенгайтириш ва модернизация қилиш ҳисобида божхона постларининг ўтказиш қобилияти 3 бараварга оширилади;

- «Ягона дарча» тизими такомиллаштириш ҳисобидан божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақтни экспортда 5 бараварга ва импортда 2 бараварга қисқартириш;

БИЛАН УЧРАШДИЛАР

✓ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ



• божхона фаолиятига биринчи бор янги пуллик хизматлар турлари жорий этилади, божхона органларининг ўзи эса тadbиркорларга хизматлар кўрсатувчи ёки қўллаб-қувватловчи ташкилотга айланади.

ТИФ ТН бўйича таснифлашдаги хатоликлар

ТИФ товар номенклатураси товарнинг муҳим хусусиятлари ва тавсифлари бўйича таърифлаш ва таснифлашни назарда тутувчи ўта мураккаб, кўп даражали тизимдир, деди Бахтиёр Абдуғаниев.

Бугунги кунда товарнинг ЎЗР ТИФ ТН бўйича қоиданинг узунлиги 10 та сондан иборатдир. Биринчидан олтинчигача бўлган белгилар Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимида (УТ) (Брюссель, 14.06.1983 й., 1.01.1988 йилдан кучга кирган) қабул қилинган код белгиларида мувофиқ келади. Еттинчи ва саккизинчи белгилар – Европа Ҳамжамятининг Араб тавсифлаш номенклатурасида (Флоренция, 21.06.1996 й.) қабул қилинган кодга мувофиқ келади; тўққизинчи белги – МДХ ТИФ ТНга (Москва, 3.11.1995 й.) мувофиқ келади.

Товарнинг ТИФ ТН коди божхона тўловларини (бож ва ҚҚС ставкаларини) ҳисоблаш, нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш ва товар божхона чегарасидан олиб ўтиладиганда таъқиқ ва чекловларга риоя қилиш учун асос ҳисобланади. Шунинг учун ТИФ иштирокчилари ва божхона органлари орасида товарни шу жумладан декларантнинг ҳатоси билан йўл қўйилган таснифлаш тўғрисида хусусида мунозаралар мунтазам юзага келиб туради.

Бахтиёр Абдуғаниевнинг қайд этишича, товарни ТИФ ТН кодида мувофиқ таснифлаш бўйича мунозаралар – мунозаралар орасида энг мураккабларидан ҳисобланади, сабаби у таснифлаш принципларини батафсил билиш ва тушуниш ҳамда уларни муайян товарнинг техник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш олишни талаб қилади. ТИФ ТН қоидани танлашда хатоликка йўл

қўймайди, асосан ишлардан эмас. Таснифлашнинг турли босқичларида декларантлар кўпинча хатоликларга йўл қўядилар ва бу қодни нотўғри танлашга олиб келади. Товарларни ТИФ ТН кодида мувофиқ таснифлашда кўп ҳолларда қуйидаги хатоликларга йўл қўйилади: товарни идентификация қилиш учун декларацияда кўрсатилган маълумотнинг етарли эмаслиги, Интерпретациялашнинг асосий қоидаларини нотўғри қўллаш, шарҳларни бўлимлар, гуруҳлар, позициялар ва субпозицияларга нисбатан қўлламаслик.

Тўғри интерпретация қиламиз

Интерпретациялашнинг асосий қоидалари хусусида Хусан Каримов гапириб берди.

Номенклатура халқаро савдода муомалада бўлган товарларни тизимлаштирилган ҳолда тақдим этади. Мазкур товарлар номенклатурада бўлимларга (I–XXI), гуруҳларга (1–76, 78–97)* ва кичик гуруҳларга гуруҳланади, улар товарларнинг имкон борида ихчамлашган тоифадаги шакли ёки турларини кўрсатувчи номлар билан таъминланади. Лекин кўп ҳолларда бўлим ёки гуруҳда товарларнинг шунчалик ранг-баранг ва кўп миқдордагиси таснифланадики, уларнинг барчасини қамраб олиш ёки номларда айнан санаб ўтишнинг имкони бўлмайди. Қоида тариқасида УТдаги товарлар уларнинг қайта ишланганлик даражаси тартибда жойлашади: хом ашё, ишлов берилмаган товарлар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар сингари. Масалан: тирик ҳайвонлар (1-гуруҳ), гўшт (2-гуруҳ), гўшт маҳсулотлари (16-гуруҳ), терилар ва чарм (41-гуруҳ), чарм пойабзлари (64-гуруҳ).

ТИФ ТН ҳам худди УТ сингари интерпретациялашнинг 6 та асосий қоидаларига (ИАҚ) батафсил шарҳ ва тушунтиришларни ўз ичига олади, улар номенклатуранинг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар товарларнинг УТда таснифланиши принципларини белгилайди, номенклатуранинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди. ИАҚ бир маромда, 1-қоидадан бошлаб қўлланилади. Бунда дастлабки 4 та қоида товарни товар позициясида таснифлайди. 6-қоида – субпозиция даражасида таснифлайди ва товар позицияси аниқлангандан кейин қўлланилади. 5-қоида тегишли товарлар билан бирга етказиб бериладиган қадоқлаш материаллари ва контейнерларнинг таснифланишини белгилайди. 5 ва 6-қоидалар дастлабки тўртта қоидалар билан биргаликда қўлланилади.

1-қоида. Деталлаштиришнинг 6 та даражасидан ТИФ ТНда 3 таси товарларни таснифлашда юридик кучга эга эмас. ТИФ ТН уйғунлаштирилган тизимдан келиб чиқиши боис барча товарлар тегишли товар позицияларида 2 та асосий мезонлар бўйича тизимлаштирилгандир: қайси материалдан ишлаб чиқилгани бўйича ҳамда улар бажарадиган функциялар бўйича.

Мазкур қоидаларнинг иккинчи қисмида таснифлашни қуйидагича амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди:

• товар позициялари номларига (4 белгилар код) ва бўлимлар ҳамда гуруҳларга изоҳларга мувофиқ. Бу ўринда товар позицияларининг номлари ва изоҳлар бир хил мақомга эга бўлади, шунинг учун товарлар қанчалик аниқ матнларда таснифланганлигига устунлик берилади;

• агар бундай номлар ва изоҳлар бошқача талқинни талаб қилмаса, у ҳолда 2, 3, 4, 5-ИАҚга мувофиқ таснифланади.

Шу тариқа, 1-ИАҚ товарнинг таснифланиши товар номида унинг номи эслатиб ўтиладиган товар позициясини кидиришдан бошланади. Бўлимлар ва гуруҳларнинг номлари фақатгина кидирув йўналишини аниқлашга хизмат қилади.

1-ИАҚ қўлланилишини таъминлайдиган ва юридик кучга эга бўлган номенклатуранинг иккинчи базавий унсури бўлиб изоҳлар ҳисобланади. Изоҳлар функцияларининг ранг-баранглиги ва таъсир кучининг турлича эканлигини эътиборга олинса, товарларни таснифлаш чоғида уларнинг матнларидан фойдаланиш зарур бўлади. Баъзида бўлим ёки гуруҳга шарҳларда жуда кўп товар позициялари мавжуд бўлади, улар мазкур бўлим ёки гуруҳдан чиқариб ташланади. Ўқиб чиққач, айнан қайси товарлар чиқариб ташланганлигини қўриш мумкин бўлади. Баъзида мана шу чиқариб ташланганлар орасида кидириладиган товарни ҳам учратиш мумкин.

Товар таснифланаётганда ҳам бўлимга, ҳам гуруҳга қилинган изоҳларни ҳисобга олиш зарур. Бўлимга изоҳлар мазкур бўлимга кирган барча гуруҳларга тегишли бўлади.

Таснифлашнинг иккинчи босқичида позициялар ва изоҳларнинг матнларини ўрганиб чиқиш керак. Изоҳлар функцияларининг ранг-баранглигини ҳисобга олганда, биринчи навбатда чиқариб ташланганларга доир изоҳларни ўрганиш керак бўлади, бу товарни таснифлаш учун зарур бўлган вақтни анча тежайди.

1-ИАҚ номи ва тавсифини товар позицияларининг матнлари ва (ёки) бўлимлар ва гуруҳларга изоҳлар билан сўзсиз идентификация қилиш мумкин бўлган товарларни таснифлаш учун қўлланилади. Лекин халқаро савдода кўпинча кўрсатилган матнга тўлиқ мувофиқ келавермайдиган товар кўрсатилади. 1-ИАҚнинг товар позициялари ва изоҳлари матнларининг юридик кучи тўғрисидаги қоидаларга амал қилган ҳолда уларга нисбатан «ўхшаш», «мос келувчи» товарларни, яъни мазкур матнларга тўлиқ мувофиқ келавермайдиган товарларни киритиб бўлмайди. 1-ИАҚнинг якуний қоидалари интерпретациянинг кейинги қоидаларига тартиб билан ўтиш зарурлигини кўрсатади.

Шу ўринда Ҳ.Каримов бўлимлар ёки гуруҳларга изоҳларнинг юридик аҳамиятига эътибор қаратди, улар атамаларга таърифлар бериши, мазмунни (қўлланилиш соҳасини) чеклаши ёки кенгайтириши, таснифлашда устуворликларни ўрнатиши мумкин. Мавзунини ёритишда божхоначи томонидан аниқ мисоллар келтирилди.

Интерпретациянинг бошқа асосий қоидалари, шунингдек БЮДга янги қоидалардан келиб чиқиб тузатиш киритиш тўғрисида «СБХ»нинг келгуси сонларида ўқишингиз мумкин.

*77-гуруҳ келгусида УТда қўллаш учун, 98 ва 99-гуруҳлар Конвенция иштирокчилари томонидан махсус қўлланилиши учун захирага олиб қўйилган.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.ORMA.uz
www.ORMA.uz
www.ORMA.uz

ЎРНИДА ХУКУКИЙ МАСЛАХАТ ҲАМ КЕРАК

Республикада айни пандемия шариқта ҳам экспорт ҳажмини ошириш, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб қолаётир.

Мамлакатимизда карантин тадбирлари муносабати билан чеклов чоралари янада кучайтирилганига қарамай, ҳеч бир ҳудудда ташқи савдо операциялари жараёни тўхтагани йўқ. Бу жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш йўлида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмак бериш учун божхоначилар ташаббусни ўз қўлига олишган. Хусусан, Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг масъул ходимлари вилоятнинг Мирзаобод тумани Боғистон маҳалласидаги «Red Pack» МЧЖда карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда учрашув ташкил қилишди.

Учрашувда МЧЖ раҳбари А.Саламатов корхона фаолиятини амалга ошириш учун 2019 йил ва 2020 йилнинг май ойлари давомида Россия ва Чехия давлатларидан олиб келинган 2 000 тонна сифимидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совуткич ускуналарининг монтаж ишлари тугалланиб, тўлиқ ишга туширилганини маълум қилди. Бунинг натижасида 22 нафар маҳаллий аҳоли аниги иш ўринларига эга бўлди.

Маълумот ўрнида. «Red Pack» МЧЖ томонидан жорий йилда 25 туркумдаги 197,9 минг АҚШ долларилек жами 468,68 тонна қовун автотранспорт воситалари орқали Белоруссия, Германия, Латвия ва Россия давлатларига экспорт қилинган.

Учрашувда вилоят божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ж.Хатамов ва Божхона тўловлари бўлими бошлиғи Б.Масейтовлар божхона қо



нунчилигидаги янгиликлар, тадбиркорликни ривожлантириш учун берилаётган имтиёз ва қулайликлар, божхона назоратини соддалаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида тушунтиришлар берди.


Божхона назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи Д.Норматов Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий-тармоқларида салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармони ҳамда ДБКнинг тегишли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида юрларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштируви, шунингдек экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини тезлаштириш мақсадида Сирдарё вилояти божхона бошқармасида ташкил этилган ва қуну-тун фаолият кўрсатаётган тезкор штаб ҳамда «Call center» фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

Божхона ходимлари томонидан ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганда зудлик билан ДБКнинг 11-08 қисқа ҳамда Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг (67) 225-48-67 рақамли ишонч телефонларига қўнғироқ қилиш мумкинлиги эслатиб ўтилди.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Қашқадарё вилоятида деҳқонлар ва томорқа эгалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш сирларини пухта ўзлаштирилганлар.

Миришкор деҳқонларнинг тинимсиз меҳнати, изланиши ва соҳада интенсив



ҚАШҚАДАРЁДА ОШҚОВОҚ ЭКСПОРТИ БОШЛАНДИ

усулларни қўллашлари натижасида баҳорнинг илк кунларидан мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларга етказилди.

Мазкур йўналишда ички бозордан ортган маҳсулотларни четга экспортга жўнатишда божхона ходимлари экспортчиларга яқиндан қўмак кўрсатишмоқда. Хусусан, маҳсулотларнинг божхона расмийлаштируви куннинг исталган вақтида ва даланнинг ўзидан амалга оширилаётганлиги, маҳсулотлар сифати тўлиқ сақланган ҳолда, қисқа муддатда қабул қилувчи давлатга етказилиши таъминлаяпти.

Қарши туманида томорқа эгалари томонидан етиштирилган дастлабки туркумдаги 19 тонна ошқовоқ «Насаф» ТИФ божхона пости ходимларининг саъй-ҳаракати билан қисқа муддатда Россия Федерациясига экспорт қилинди.

– 5 гектар ерга четдан келтирилган ошқовоқ уруғини эккан эдик, – дейди томорқа эгаларидан бири М.Икромов. – 300 тонна ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Пишиб тайёр бўлган маҳсулотлар пешма-пеш халқимиз дастурхонига ва экспортга жўнатишмоқда. Келгусидаги мақсадимиз – экин майдони ва маҳсулот турини кўпайтириш.

Вилоят божхона бошқармаси масъул ходимлари бевосита мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилган ҳудудларда бўлиб, фермер ва томорқа эгаларига юртимиз қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришлар, тадбиркорлик соҳасига яратилган имкониятлар, шунингдек, маҳсулотларни экспортга расмийлаштиришда божхонада йўлга қўйилган қулайликлар тўғрисида тушунтиришлар беришмоқда.

ДБК Ахборот хизмати.

ХАЙРИХОҲЛИК

САҲОВАТ ВА ҚЎМАК ТАДБИРЛАРИДА БОЖХОНАЧИЛАР ФАОЛ



Бугун бутун инсоният мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар қўрилмоқда, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўли чўзилмоқда.

Айниқса улуғ айём кунларида барча ҳомийлар, тадбиркорлар, тегишли идора ва ташкилотлар қатори Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам ушбу эзгу ишларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида ҳокимлик ва МФЙларнинг масъул ходимлари иштирокида тегишли тадбирлар ўтказишди. Хусусан, Гулистон шаҳри ҳамда Ховос туманининг энг чекка ҳудудларида жойлашган «Бўстон», «Қаҳрамон» ва «Хуснобод» маҳаллаларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бор 10 та оиланинг ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 12 турдаги қўндалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



**СОЛИҚ ВА
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ**

Молиявий-иқтисодий,
ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ
«Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Рано
ИСМАИЛОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Тахририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг
электрон версияларини етказиб бериш ва харид
қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат
қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр қўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма т-815. Адади 630. Газета 2020 йил 3 август соат 15.30 да топширилди.